

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИК
УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

“Бошланғич таълим педагогикаси ва тарбиявий ишлар
методикаси” кафедраси

Абдурахмонова Зулфия

**“Бошланғич синфларда замонавий педагогик технологиялардан
фойдаланиш усулари”.**
(табиатшунослик дарслари мисолида)

МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: п.ф.н.доц. Д.А.
АБДУРАҲИМОВА

ТОШКЕНТ – 2012

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

I БОБ. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1 Анъанавий дарслар тарихидан.
- 1.2. Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялар қўлланиши
ва самарадорлиги.

Биринчи боб бўйича хулоса

II. БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАНИШИ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ.

- 2.1. Интерфаол дарс ва ўқитувчи фаолияти.
- 2.2. Замонавий педагогик технологияларнинг табиатшунослик фани
дарсларида қўлланилиши.

Иккинчи боб бўйича хулосалар.

III. БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ.

- 3.1 Тажриба-синов ишларининг мазмуни ва ўтказиш методикаси.
- 3.2 Олинган натижалар таҳлили ва самарадорлиги.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар жамият тараққиётини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини жорий этиш, шунингдек, мустақил фикр эгаси, эркин ва ижодкор шахсни тарбиялаб вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказди”,¹ - деб айтиб ўтган теран фикрлари узлуксиз таълим тизимида бош вазифалардан бири баркамол шахсни шакллантириш эканлигини асослайди. Шунингдек, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир” маърузасида: “Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиш соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси камровига кўра улкан вазифалар турибди”, - деб таъкидлаб ўтган эди. Маърузада белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтиришда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш, дунёқарашини шакллантириш, таълим жараёнига инновацион технологияларни кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозим.

Мустақил Республикамизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислох қилишдан кўзланган муҳим вазифалардан бири ўқитишнинг илғор, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, интерфаол усулларини

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008, -40,41-б.

таълим жараёнига жорий этиш орқали ҳар томонлама етук, мустақил фикрловчи, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланди. Таълим тизимида олиб борилаётган ислохатлар «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шу сабабли бу соҳага оид таълим машғулотларини олиб бориш ишларини такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Жумладан, ёшларга таълим беришда ўқитиш усуллариини такомиллаштириш, бунда ўқувчининг фаоллигини ошириш юқорида айtilган асосий вазифалардан биридир.

Мазкур муоммонинг ечимига оид чет эл педогог олимларидан Ф.С.Келлер, В.И.Боголюбов, В.Ф.Шаталов, Б.Блум, Б.Скиннер, З.Гузеев, Л.А.Бойкова, Л.К.Гребенкина, В.Б.Беспалько, Ш.А.Амоношвили, М.Кларин, Н.Ф.Талызина, И.П.Иванов, С.Н.Лисенкова кабилар педагогик технология муаммолари устида изланишлар олиб боришган.

Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда бу жараёнга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кузатувларимиз, педагогик тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, мактабда айниқса, бошланғич синф дарсларида замонавий усул ҳамда замонавий педагогик технологияни кенг йўлга қўйиш жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли республикаимизнинг жуда кўп олимлари бу масала устида тинмай изланиш олиб бормоқдалар. Н.Азизхўжаева, Р.Мавлонова, Н.Сайидахмедов, У.Нишоналиев, Ў.Толипов, Р.Жўраев, Л.Б.Фарберман, Н.А.Муслимов, К.Зарипов, С.Оғаев, Ж.Йўлдошев, К.Бойсалов ва бошқалар педагогик технология назариясини, педагогик технологиянинг асосий йўналишларини, мезонларини ўз ишларида очиб берганлар.

Бироқ юқоридаги амалга оширилган битирув малакавий ишнингларда бошланғич синф табиатшунослик дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўллари алоҳида битирув малакавий ишнинг муаммоси сифатида ўрганилмаган. Муаммонинг долзарблиги, назарий-методик талаблари, амалий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда биз Битирув малакавий ишнинг ишимизнинг мавзусини

“Бошланғич синфларда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усулари”. (табиатшунослик дарслари мисолида) деб танладик.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: бошланғич синф табиатшунослик дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг самарали шакл ва усулларини аниқлаш.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Бошланғич синф табиатшунослик дарс жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: бошланғич синф табиатшунослик дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг шакл, усул ва воситалари.

Битирув малакавий ишнингнинг вазифалари:

- бошланғич синф табиатшунослик дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш;
- бошланғич синф табиатшунослик дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг маъмул шакл, восита ва усулларини белгилаб олиш;
- педагогик тажриба-синов ишларида бошланғич синф табиатшунослик дарслари самарадорлик даражасини аниқлаш ва уларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўллари ишлаб чиқиш;

- тажриба-синов натижалари асосида бошланғич синф ўқитувчилари учун табиатшунослик дарсларини самарали ташкил этиш бўйича дарс намуналарига тавсия бериш.

Битирув малакавий ишнингнинг методологик асослари бўлиб «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги И.А.Каримовнинг методологик аҳамият касб этувчи асарлари, бошланғич таълим ва педагогика фани концепциялари хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг методлари: мавзуга оид илмий адабиётлар ва мақолалар таҳлили; илғор бошланғич синф ўқитувчиларининг иш тажрибаларини умумлаштириш; муаммога тегишли бўлган мактаб ҳужжатлари ва ўқувчиларнинг ижодий ишларини ўрганиш; мақсадли кузатув, савол-жавоб; педагогик эксперимент; тўпланган маълумотларни статистик таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Битирув малакавий ишнингнинг тажриба-синов майдони - Тошкент шаҳар, Якасарой тумани, 118-инглиз тилига ихтисослашган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синфларида ўтказилди.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. кириш, уч боб, 5 банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ГБОУ. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Анъанавий дарслар тарихидан.

Ҳар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёти ва турмуш даражаси фан ва маъданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Фан ва маъданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай даражада олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади.

Шундай экан, Ўзбекистон мустақилликка эришганига эндигина 20 йил бўлишига қарамай қонун томонидан таълим-тарбия масалаларига алоҳида ўрин ажратилган. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 11 сессиясида 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 41-моддасида шундай дейилган: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Ўқув муассасаси ишлари давлат назоратидадир”.

Мана шу йиллар давомида таълим-тарбия соҳасида миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жой-жойига қўйиш, миллий қадриятларни ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурилишлар бўлмоқда.

Маълумки, 7 асргача, яъни араблар истилосидан олдин Марказий Осиёда зардуштийлик дини кенг тарқалган бўлиб, Турон, Эрон, Сўғд ва Хоразм худудларида яшаган халқлар асосан зардуштийлик таълимотига мувофиқ ўз фарзандларини ибратли ахлоқ-одоб қоидалари асосида тарбиялаганлар. Зардуштийлик динининг асосчиси ва “Авесто” китобининг

муаллифи Спитама Заратуштра таълим-тарбия масалаларига ҳам катта аҳамият беган ҳолда мана бундай дейди: “Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги таянчи бўлиб ҳисобланиши лозимки, у аввало яхши ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”.

“Авесто”да болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари қуйидаги тартибда тавсия этилган:

- а) диний ва ахлоқий тарбия;
- б) жисмоний тарбия;
- в) ўқиш ва ёзишга ўргатиш;

Зардуштийлик таълимотига кўра, 15-ёш балоғат ёши ҳисобланган. Балоғатга етган болалар зардуштийликка эътиқоди рамзи сифатида белига юнг ипакдан тўқилган камар боғлаб юриши ва “оташпарастлар” ибодатхонасида ўтказилган диний маросимларда қатнашиши шарт бўлган. Болаларни қўшинлар зардуштлик расм-русумларини бажаришга, фалсафа, одоб-ахлоққа ўргатишган.

Зардуштийликда маърифат ва билимнинг кучига қаттиқ эътиқод қилинади ва оқибат натижада маърифат ютиб чиқади, деб ҳисобланади. Ўша даврда болаларнинг фақат сихат-саломат ва жисмонан бақувват бўлиши ҳақидагина эмас, балки илму-маърифат олиши ва маънавий софлиги, яхшилик, эзгулик ҳислатларини эгаллашлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилинган. Асосан, болаларда ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, саховатлилик фазилатларини тарбиялашга муҳим аҳамият берилган. Жисмоний тарбиядан назарда тутилган асосий мақсад: болаларни ҳарбий ишга тайёрлаш ва уларни жисмонан чиниқтиришдан иборат эди. Дарвоқе, ҳарбий тайёргарлик жараёнида болалар отда чопиш, ов қилиш, қиличбозлик ва қалқонда рақибдан ўзини ҳимоя қила билиш, сувда сузиш, узоққа югуриш, сакраш, найза иргитишни эгаллаши мажбурий бўлган. Бироқ, диний- ахлоқий ва ҳарбий-жисмоний тарбияни эгаллаш барча табақадаги кишиларнинг фарзандлари учун шарт бўлса-да, аммо ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш (санаш)ни ўрганиш эса фақат юқори табақадаги кишиларнинг болалари учун эди, холос. Юқори табақадаги кишиларнинг

болалари учун сарой ва ибодатхоналар қошида махсус мактаблар мавжуд бўлиб, бу ерда уларга тажрибали устозлар сабоқ беришар, таниқли лашкарбошилар эса ҳарбий санъат сир-асрорларини пухта ўргатишар эди. Ўқитувчилар уламо коҳинлар бўлиб, улар жамият маънавий ҳаётида муҳим мавқега эга эдилар. Мактабда кичик ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида кўрсатмали куруллардан, ҳикоя қилиш ва суҳбат-мулоқот усуллари билан кенг фойдаланардилар. Дарсда ўқувчилардан ўтилган мавзунини шовқинсиз такрорлаш талаб қилинар эди. Болаларда ёшлиқдан меҳнатсеварлик ва касб-хунар эгаллаш малакаси ҳамда кўникмасини шакллантиришга катта эътибор берилган. Улар ёш пайтиданоқ дарахт кўчати ўтказиш, уй-рўзғор куруллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилган.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўша давр кишиларининг орзуси ҳаётда фаровон турмуш кечириш учун фақат меҳнат қилишдан иборат бўлган. Зеро, инсон меҳнатсиз тирикчилик қила олмайди. Шунинг учун инсон камолоти ва ахлоқий соғломлиги манбаи сифатида меҳнат улуғланади.

Хулоса шуки, қадимги бобоқолонларимиз кўзига тўтиё қилган “Авесто” муқаддас китоби фақат диний кўшиқ, ҳикоят ва ривоятлардан иборат бўлибгина қолмасдан, балки табиий фанлар, хусусан, табобат, таълим-тарбия масалаларини ҳам ўз ичига олган. Биз бу қадимий ноёб билимлар хазинасини билан танишар эканмиз, Зардуштра пайғамбарнинг ўз ҳаёти ҳақида, замондошлари ҳақида, шунингдек, у тарғиб қилган таълимотига сиғинган мамлакатларнинг давлат тузилиши, таълим-тарбия ва ахлоқ-одоб тўғрисида кўп нарсаларни билиб оламиз. Зардуштийлик динининг афзал томонларидан бири шу эдики, унда ҳукмдорлар салтанатини мустаҳкамловчи расмий ақидалар билан бирга, инсонни ўз ҳаётининг, ўз тақдирининг яратувчиси сифатида улуғловчи инсонпарварлик ғоялари ҳам қарор топган эди.

2.Беруний Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад (973-1048), энг аввало, қомусий олим сифатида бутун дунёга манзур ва машҳурдир. Унинг

дастлабки йирик асари “Ал-асрор албоқия ан ал-қурун ал-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) бўлиб, буни у 27 ёшида ёзган эди. 486 саҳифадан иборат бу асар ўзбекчага 1968 йили таржима қилинган. Олимнинг 364 саҳифадан иборат “Таҳдид ниҳоёт ил-амокин ли тасҳиҳ масофот ил-масокин” (“Турар жойлар (орасидаги) масофани аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш”) “Геодезия” номи билан йирик китоби машҳур бўлиб кетган.

Ўша давр ичида Беруний фалсафий педагогика мактабини яратган. Унинг педагогик қарашлари ва фаолиятини ўрганишда олимнинг ўзидан илгари ўтган педагогларга нисбатан қандай янги, неқбин фикрлар билдирганига ҳамда ижодидаги илгарилаб борадиган педагогик қараш ва фикрлари ривожланишига эътиборни қаратиш жуда муҳимдир. Беруний раҳбарлик қилган бу илмий даргоҳ қарийб 10 йил фаолият кўрсатган. Беруний педагогик ижодида инсон ва унинг бахт-саодати, таълим-тарбияси, камолати бош масала бўлган. Буюк педагог олим тарбиянинг мақсади, вазифалари ва роли, инсон, ёш авлоднинг ривожланиши ҳақидаги фикрлари чин маънода инсонпарварлик ва инсоншунослик асосига қурилган. Берунийнинг педагогик ғояларидан энг муҳими билимни пухта ва мустаҳкам эгаллаш зарурлигидир. Мана, орадан минг йилдан отиқ вақт ўтишига қарамасдан, Берунийнинг илғор ҳаётий педагогик ва фалсафий ғоялари ҳозир ҳам ғоятда қимматлидир.

Шундай қилиб, хулоса қилсак, Берунийнинг педагогик қарашлари асосан:

- оилада бола тарбияси; ақлий таълим;
- ахлоқий ва жисмоний тарбия;
- меҳнат ва инсонпарварлик тарбияси;

3. Абу Наср Фаробий (873-950) Ўрта аср Шарқининг машҳур мутафаккири, қадимги юнон илми ва фалсафасининг Шарқдаги энг йирик тарғиботчиси ва унинг ривожига ҳисса қўшган олим. Фаробий ўз даврининг қатор илмларини чуқур ўрганиб, турли соҳаларга оид илмий асарлар ёзиб қолдирди. У ўз даврининг биринчи файласуфи, мусиқачиси, шоири,

комусий олими бўлиб ном қозонди. У “Ақл ҳақидаги рисола”, “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш керак?”, “Субстанция ҳақидаги сўз”, “Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши”, “Мантиқ илмига кириш”, “Масалалар моҳияти” каби 160 дан ортиқ рисоалар яратди.

Ўзида ўн икки туғма ҳислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўла олади:

Биринчидан, бундай одамнинг барча органлари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу органлари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин;

Иккинчидан, барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;

Учинчидан, хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган –эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

Тўртинчидан, зеҳни шу даражада ўткир бўлсинки бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олсин;

Бешинчидан, сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво ва равшан баён айта олсин;

Олтинчидан, билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чачашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин;

Еттинчидан, овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин;

Саккизинчидан, ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

Тўққизинчидан, руҳи ғурурли ва ўз виждонини кадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга интиладиган бўлсин;

Ўнинчидан, дирҳам, диноҳ ва шу каби турмуш буюмларига

жирканиш билан қарасин:

Ўн биринчидан, ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларини барчага тақдим этган ҳолда, одамларни адолатга тарғиб этадиган ҳолда, адолатсизлик натижаларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин:

Ўн иккинчидан, адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида, адолатсизлик, пасткашлик олдида қатъий сўзлик бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиш ва ожизликни билмасин: Таълим-тарбия аҳллари ҳам ўз билимларининг даражасига қараб бир-бирларидан фарқ қиладилар, ортиқ кам бўладилар. Уларнинг баъзи бирларида кашф, ихтиро қуввати бўлмайди, баъзиларида эса бу қувват камроқ бўлади.

4.Биз тарихдан биламизки Амир Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қилган давр Мовароуннахр тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бу даврларда Самарқанд, Ҳирот шаҳарларида маъданият, илм-фан ривожланиб борди.

Даставвал, шуни айтиш керакки, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбияда ўзи юксакликка, мукаммалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоқга оид дастурлар, ўғитлар, панд-насихатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақида тарихий асарларни кўздан кечириш кифоя. “Тузуки Темурий”(“Темур тузуклари”), “Марфузаота Темурий” (“Темурнинг айтганлари”) ва “Вакиота Темурий” (“Темурнинг бошидан кечирганлари”) номи билан жаҳонга машҳур бўлган асарларида Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насихатлари ва пурмаъно ўғитларининг ҳар бири мазмун ва маъно кенглиги, кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосида қурилган билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарларни қадрли хазина одоб-ахлоқга оид дастурлар дея оламиз.

5. Халқимиз асрлар оша ардоқлаб, эъзозлаб келган, миллий

маъданиятимиз, фанимиз, маънавиятимизни шаклланишига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сиймолардан бири етук давлат арбоби, мунажжим, математик, хандаса илмининг буюк намоёндаси, муסיқашунос, шоир ва ниҳоят педагогика фани ривожига баракали ҳисса қўшган забардаст олим Муҳаммад Тарағай Улуғбек эди.

1398 йилдан Улуғбекга Ҳамза ибн Али қиссагўй қилиб тайинланди. Унинг ёрдамида 4 ёшидаёқ ўқиш ва ёзишни ўрганди.

Муҳаммад Тарағайнинг илмий, маъданий камолоти ана шундай муҳитда шаклланиб, сайқалланиб борди. Маълумки, мусулмон давлат тузумида икки асосий босқич: ибтидоий мактаблар ва ўрта мадрасалар мавжуд эди. Улуғбек давригача ҳам бу тизим сақланиб қолган. Лекин Улуғбекнинг ташаббуси билан таълимнинг бошланғич бўғини сифатида барча маҳаллаларда қорихона ва далоилхоналар қарор топди. [30. 33]

Алломанинг фикрича фанни эгаллаш, лоақал савод чиқариш муҳим масала эди.

Ибтидоий мактабларда ўқиш муддати қатъий чегаралаб қўйилмаган эди. Ўқувчи белгилаб қўйилган миқдордаги билимларни (аксарият диний билимларни) эгаллай олмаса, у 15-20 йиллаб ўқишда қолиб кетиши мумкин эди. Улуғбек ташкил этган далоилхоналарда ўқиш муддатини қатъий 8 йил қилиб белгилаб қўйилган. Шунингдек, дарс беришнинг индивидуал усулидан “жамоа” усулига ўтказилди. Бунда ҳар бир гуруҳда ёш жиҳатига кўра 15-20 ўқувчи бир вақтда сабоқ олар эдилар. Бу энди дарс ўтишнинг синф системасига яқинлашиш эди.

Далоилхоналарни муваффақиятли битирган болалар ўрта таълим мадрасаларида билим олишга йўналтирилганлар.

Улуғбек кенг кўламда илмий тадқиқотлар ўтказа олишга қодир, илмий кашфиётларни амалга ошира оладиган олий босқичдаги мадрасалар бўлишини ҳам орзу қилган.

1417 йилда Бухорода, 1420 йилда Самарқандда, 1433 йилда Ғиждувонда қурилган эди. Шунинг учун ҳам биз Улуғбек ҳақли равишда Самарқандда олий таълим тизимига асос солган дея оламиз.

6. Ўзбек адабиётининг асосчиси, шоир, олим, маърифатпарвар, файласуф, муסיқашунос давлат арбоби Низомиддин Алишер Навоий Ҳиротда туғилиб, шу ерда яшаб ижод этган. У ўзининг “Ҳамса”, “Махбуб ул-қулуб” каби йирик таълимий-ахлоқий асарларида, шунингдек, “Муножот”, “Вақфия”, “Мажолисун нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларида тарбияга оид ўз қарашларини ифода этади.

Алишер Навоий инсон тафаккури, ақли, билимини ва илмий билимларини юксак қадрлаган. У “Билим ва донишмандлик инсоннинг беагидир”-деб ёзади. Навоий бола тарбиясига ва уни шахс сифатида шакллантиришга катта аҳамият бериб, болани ҳаёт “чироғи” деб таърифлайди. Бола оилага бахт ва саодат келтирувчи зиёдир.

Алишер Навоий педагог-мударрис. У, таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларини кўрсатади. У таълимда **илмийлик, асосланганлик, тарихийлик** каби талабларни асос қилиб олади. Ўз давридаги мусулмон мактабларининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. Унинг асарларида ахлоқий ва меҳнат тарбиясига доир қарашлар асосий ўринни ташкил этади.

Дарснинг муайян миқдордаги типларини белгилашнинг турлари, йўллари билан унинг анча жиддий структураси ишлаб чиқилган. Т.А.Илина дарснинг ўз структурасига барча асосий элеменларини олган типини, яъни умумий ёки аралаш дарсни тавсия этади.

Дарснинг биринчи босқичи-Ташкилий қисм. Одатда, бу қисмга саломлашиш, ўқувчиларнинг, синф хонасидаги жиҳозларнинг дарсга тайёрлигини текшириш, дарсда йўқ ўқувчиларни аниқлаш, ишнинг режасини эълон қилиш киради. Ташкилий қисмнинг мақсади- дарсда иш вазиятини вужудга келтиришдир.

Дарснинг иккинчи босқичи - ёзма уй вазифасини қўйилган мақсаддан қатъий назар , турли методлар билан текшириш.

Дарснинг учинчи босқичи- ўқувчиларнинг билимларини оғзаки текшириш (ёки улардан сўраш).

Дарснинг тўртинчи босқичи- ўқитувчининг баён этиши асосида ёки

ўқитувчиларнинг мустақил таҳлил қилиши орқали янги материални тушунтириш.

Дарснинг бешинчи босқичи- уйга топшириқ бериш. Дарснинг бу қисмига мазкур топшириқнинг моҳиятини, лозим бўлса, уни бажариш методикасини ҳам тушунтириш, уни ўқитувчининг ўзи доскага ёзиши, ўқувчиларнинг дафтарга ёки кундаликка кўчириши киради.

Дарснинг олтинчи босқичи- янги материални мустаҳкамлаш, яъни дастлабки ёки йўл-йўлакай мазкур материал баён қилинаётганда амалга ошириладиган мустаҳкамлашдир.

Дарснинг еттинчи босқичи- уни тугаллашдан иборат бўлиб, бу иш ташкилий равишда амалга оширилиши керак. Чунки дарс фақат ўқитувчининг кўрсатмаси бўйича мустаҳкамланади. [27.204]

Биз юқорида аънанавий дарс тизим унинг даврлар бўйича ривожланиш жараёнида ҳақида тўхталиб ўтдик. Мазкур бобнинг иккинчи фаслида таълим жараёнида итнерфаол усуллардан фойдаланиш омиллари ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

1.2.Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялар қўлланиши ва самарадорлиги.

Таълим тўғрисидаги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”ни таълим жараёнига тадбиқ этиш билан таълимда сифат ва самарадорликка эришиш ва шу орқали модернизация қилинган таълим стандартлари тўлиқ бажарилиши таъмин этиш даври бошланди.

Ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланишдан мақсад нима унинг афзалликлари дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат деган саволга қуйидагича ҳосилалар асосида жавоб бериш мумкин.

1. Ноанъанавий ўқитиш энг содда қулай усул.
2. Мустақил фикрлашни қргатади.
3. Кўп тармокли.

4. Содда ва осон.
5. Билим бойлигини оширади.
6. Вақтдан ютади.
7. Қизиқарли ўтади.
8. Дарсинг самарадорлигини оширади.
9. Дунёқарашни кенгайтиради.
10. Тафаккурни ривожлантиради.
11. Ўқувчиларининг диққат эътиборини тортади.
12. Ҳар бир ўқувчи билан индивидуал муносабатда бўлади.
13. Хотирани кчайтиради.
14. Изланишга чорлайди.
15. Ўқувчиларни ўз устида ишлашга чорлайди.

Ўқитишдан кўзланадиган мақсад бу давлат таълим стандартларида белгиланган билим ва кқникмаларини ўқувчиига етказишдан иборат. қачонки ўқувчини томонидан билим қабул қилинса ва тушуниб етилса ёки ўқувчи малака ошириш учун мқлжалланган топшириқларни амалда намойиш этиб бера олсагина ўқитиш муваффақиятли кечди деб ҳисобласа бўлади.

Баъзи мамлакатларнинг таълим соҳасида тўпланган илғор тажрибалари таҳлилидан аён бўлдики, шахснинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараш, маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида у мансуб бўлган муҳит, унда қарор топган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг аҳамияти катта экан. Зеро, ушбу жамиятда унинг тафаккури, маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириши учун зарур бўлган объектив ва субъектив омиллар мавжуд. Ривожланаётган Ўзбекистон жамиятида таълим муассасалари, шу жумладан, бошланғич таълим дарсларининг ҳам алоҳида ўринга эга. Зеро, муайян касб-хунар асосларидан ёш авлодни хабардор этиш уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Маълум касбий фаолият билан шуғулланиш шахснинг моддий эҳтиёжларини таъминлаш учунгина эмас, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий тараққиёти

ишлаб чиқариш кучларининг Бошланғич таълим дарсларини ўқитишнинг интерфаол усуллари асосида ташкил этиш уларда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этишда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек, бошланғич таълим ўқувчиларига билим бериш ва уларни тарбиялашда самарадорликка эришишга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, бунда бир қатор педагогик вазифалар ҳал этилиши лозим. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этиш борасида муайян шарт-шароитларни яратиш;

- бошланғич таълим табиат дарслари педагог ходимлари ўртасида интерфаол методлар моҳиятини очиб беришга қаратилган махсус ўқув семинарларини ташкил этиш;

- улар томонидан педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирилишига эришиш;

- бошланғич таълим дарслари педагогларида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндошув ҳиссини тарбиялаш;


- бошланғич таълим дарсларининг ўқитувчиларида технологик ёндашув асосида ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

- бошланғич таълим дарслари ўқитувчилари томонидан таълим-тарбиявий ишларни интерфаол методлар асосида ташкил этилишига эришиш;

- бошланғич таълим дарслари ўқитувчиларининг технологик асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш борасидаги маҳоратларини ошириш;

- бошланғич таълим дарсларининг самарадорлигини таъминлаш.

бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишга йўналтирилган андоза 1-шаклда акс эттирилган.



Бошланғич таълим дарслари ўқитувчилари ўртасида интерфаол методлар ва уларнинг моҳияти хусусидаги назарий маълумотларни тарғиб этиш муваффақиятини педагогик жамоа, шунингдек, индивидуал педагог ходимларда уларни ўрганишга нисбатан эҳтиёж, қизиқишнинг юзага келишини белгилайди. Юзага келган эҳтиёж ҳамда қизиқиш уларни қондириш имконини берувчи амалий фаолиятни ташкил этишга нисбатан қарор топтиради.

Бошланғич таълим дарслари ўқитувчиларида педагогик фаолиятни интерфаол методлар асосида ташкил этиш малакасини шакллантиришга қуйидаги тамойилларга амал қилиш асосида эришилади:

1. Бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этиш борасидаги ягона мақсаднинг қарор топганлиги.

2. Бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этиш борасидаги ҳаракатнинг изчил, мақсадга мувофиқ, тизимли ва узлуксиз амалга оширилиши.

3. Бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишда мавжуд шарт-шароит ҳамда субъектив ёндашувларни инобатга олиш.

4. Педагогик маҳорат ва иқтидорларни эркин намойиш этиш.

5. Янги тажрибаларни оммалаштириш.

6. Назарий ва амалий фаолият бирлиги.

7. Бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишда хорижий мамлакатларнинг донор ташкилотлари билан ҳамкорлик ва ҳоказолар.

Бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этиш қуйидаги омиллар асосида амалга оширилади:

1) Объектив омиллар:

- Бошланғич таълим дарсларида моддий-техник базанинг яратилганлиги;
- Таълим- тарбия жараёнининг зарур техник ҳамда ахборотли воситалар билан таъминланганлиги;
- Бошланғич таълим дарсларида педагогик мониторинг (маълумотлар банки)нинг ташкил этилганлиги, унинг махсус адабиётлар билан бойитилганлиги;

2) Субъектив омиллар:

- бошланғич таълим дарсларининг ўқитувчиларида ПТ моҳиятини ўрганишга нисбатан ички эҳтиёж ва қизиқишнинг юзага келганлиги;
- Уларда ўз фаолиятларида ПТ лардан фойдаланишга нисбатан рағбатнинг қарор топганлиги;
- касб-ҳунар коллежи раҳбарияти ва жамоасининг ўқув юрти фаолиятини интерфаол методлар асосида ташкил этиш йўлидаги бирлиги ва якдиллигининг шаклланганлиги;
- бошланғич таълим дарслари ўқитувчиларининг ПТ моҳиятидан хабардорликлари;
- уларда ўз фаолиятларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларнинг таркиб топганлиги;
- Бошланғич таълим дарслари ўқитувчиларининг ўз педагогик фаолиятларида ПТ ни қўллай олиш маҳоратига эгаликлари;
- уларда ижодкорлик, изланувчанлик, бошланғич таълим ўқувчилари орасида кўтаринки кайфиятни ярата олиш сифатларининг мавжудлиги;
- ПТ асосида педагогик фаолиятни ташкил этаётган ўқитувчиларни рағбатлантириб бориш ва ҳоказолар.
- бошланғич таълим дарслари ўқитувчиларининг педагогик фаолиятни интерфаол методлар асосида ташкил этиш борасидаги маҳоратлари даражаси қуйидаги кўрсаткичларга мувофиқ белгиланади:

Бошланғич таълим дарслари ўқитувчилари томонидан янги педагогик технология назарияси, унинг моҳияти, таълим-тарбия жараёнини

лойиҳалаш, бошланғич таълим ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакалари даражасини олдиндан ташҳислаш, улар томонидан ташкил этилаётган ўқув фаолияти мазмунини назорат қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш, педагогик фаолият самарадорлигини аниқлаш борасидаги назарий билимларнинг ўзлаштирилиши;

- бошланғич таълим дарслари ўқитувчиларида бошланғич таълим ўқувчилари билан мулоқотни муваффақиятли ташкил этиш, педагогик фаолиятга нисбатан ижодий ёндошув, педагогик вазиятларни баҳолай олиш ва уларга мувофиқ хатти-ҳаракатни ташкил этиш малакалари шаклланганлиги;
- Педагогик фаолият мазмуни, кўлами, суръати ҳамда самарадорлигинининг юқори даражаси.

Биринчи боб юзасидан хулоса

Бу бобда биз аънанавий дарслар тарихи ва интерафол дарсларнинг бошланғич синфларда қўлланиши ҳақида тўхталиб қуйидаги хулосаларини чиқардик.

1. Бошланғич синф дарсларининг асосий таркибий қисмларидан бири таълим бериш фаолияти бўлиб, бу жараёни интерафол методлар асосида ташкил этиш орқали бошланғич синф ўқувчилариларинг дунёқарашларни шакиллантириш орқали билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилишга эришиш лозим.

2. Бошланғич синфларда дарсларни ташкил қилишда ўқитувчиларининг педагогик технологиялар моҳиятидан хабардор этишга йўналтирилган махсус тадбирларнинг уюштирилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Бошланғич синф дарсларидаги тарбия жараёнини интерафол методлар асосида ташкил этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, ушбу мақсадга эришиш тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга имкон яратиш лозим.

2. БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАНИШИ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ.

2.1. Интерфаол дарс ва ўқитувчи фаолияти.

Бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган эътибор кудан-кунга кучайиб бормокда. Бунинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини чуқур ўзлаштиришларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишга, катта ижодий хулосалар чиқаришларига ҳам ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда бошқарувчанлик, йўналтирувчанлик вазифасини бажаради. Бу педагогиканинг етакчи тенденцияларида ўз аксини топган:

1. Бола шахсини биринчи ўринга кўтариш;
2. Ўқувчи шахси маънавиятини шакллантириш устиворлиги;
3. Мустақил фикрлашга ўргатиш;
4. Боланинг тарбияланиши ва билимларни ўзлаштириши жараёнида ўзининг иштирокини таъминлаш;
5. Болага кашф этиш лаззатини туғдириш;
6. Педагогик ҳамкорлик ҳукмронлик қилишига эришиш.

Замонавий таълимни амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга, шахс сифатида шакллантиришда, ҳар қандай шароитда ҳам ўз нутқини назарига эга бўлган, эркин фикрловчи инсон бўлишида катта ёрдам беради.

Ўқитувчи дарснинг ижодкори, у тайёр технологияларининг оддий ижрочисига айланмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз йўлини излаши ва иштиёқи билан фаолиятига киришиши лозим.

Болаларни амалий фаолиятга йўналтириш, образга кириш, театрлаштирилган кичик сахналар қўйиш, баҳс-мунозаралар уйиштириш, саволлар қўя олиш, ўз фикрини эркин ифодалаш ва шу билан бирга баҳс-мунозаралар юритиш маданиятини эгаллашларига имкон бериш керак. Ўқитувчи ўқувчини ўзи билан тенг иштирокчи, ҳамкор сифатида қўриши, бола фикрларини ҳурмат қилиши, эшитиши, улар билан ҳисоблашиши, ўз фикрини ҳукм сифатида эмас, ўқувчилар фикри билан тенг даражада ўртага ташлаши мумкин.

Интерфаол методлар шундай методларки у ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот ва ўзаро таъсиридаги дарс жараёнини амалга оширувчи усул бўлиб яъни, “Интерактив” сўзи инглиз сўзидан олинган бўлиб, “Интеракт”, яъни Интер бу “ўзаро”, “акт”-“ҳаракат, таъсир, фаоллик” маъноларини беради. Яни ўқувчилар ҳамкорлиги асосида дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фикр мулоҳаза юритиш, муносабат билдириш кўникмасини шакллантириш демакдир.

Ўқитиш жараёни бир хил давом этаверса, ўқувчининг эшитиш қобилияти сусаяди ва чарчайди. Бу ҳолат ўқувчини лоқайд эшитувчига айлантиради. Натижада самарадорлик камая боради, машғулотларнинг сифати ҳам пасаяди. Шунинг учун машғулотларни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ўқувчилар учун қулайлик туғдиради, уларни пассив тингловчидан фаол иштирокчига айлантиради, энг суст ўзлаштирувчи ўқувчиларни ҳам ҳаракатлантиради.

Бугунги кунда бир катор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида бой тажриба тўплаган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методи таълим оловчи ва ўқитувчининг ўқитиш жараёнидаги ўзаро алоқа шаклидир. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги жараён аслида ўқувчини у ёки бу билим кўникма ва малакаларини ўзлаштириш мақсадида боғлаб турганлигини кўрсатиб

туради. Агар кенг кўламда оладиган бўлсак, ўқитишнинг биринчи кунларидан то шу кунгача ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги кенг маънода уч хил боғланиш шаклланган бўлиб, у ўз тасдиғини топган. Кўриниб турибдики, услубий ёндашувда ўқитувчининг барча методини уч гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Нофаол метод.
2. Фаол метод.
3. Интерактив метод

Кўрсатиб ўтилган ҳар бир услубий ёндашув ўзига хос хусусиятга эга. Қуйида биз услубий ёндашувларни кўриб чиқамиз. Шу билан бирга асосий диққатимизни ўқитувчининг интерактив усулларига қаратамиз.

Нофаол услубий ёндашув- бу ўқувчи билан ўқитувчи орасидаги боғлиқлик шаклидир. Бунда ўқитувчи дарснинг асосий ҳаракатланувчи фигураси ҳисобланади, ўқувчилар еса нофаол ешитувчи сифатида намоён бўлади. Мазкур метод дарслардаги тезқари мустақил савол-жавобларда, назорат ишларида, тест ва бошқа усулларда акс этади. Нофаол метод ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришларидаги енг самарасиз усул ҳисобланади, лекин унинг ўзига хос ижобий томони мавжуд. Бу ҳилдаги дарсларга кўп меҳнат талаб қилинмайди. Чегараланган вақт оралиғида катта миқдордаги ўқув материални топишга имкон беради. Бу дарс тури олий ўқув муассасаларида кенг тарқалган бўлиб, кенг ёйилган шакли маърузадир.

Фаол услубий ёндашувда ўқитувчи билан ўқувчи бир-бири билан ўзаро алоқада бўлади. Дарс жараёнида ўқувчи нофаол тингловчи емас, балки дарснинг фаол иштирокчисига айланади. Агар нофаол дарс методида асосий ҳаракат қилувчи фигура ўқитувчи бўлган бўлса, бу методда ўқувчи ва ўқитувчи тенг ҳуқуққа эгадир. Нофаол дарслар ўқитишнинг авторитар услубига эга бўлган бўлса, фаол методлар демократик услубга эгадир. Фаол ва интерфаол ёндашувларда еса умумийлик кўпроқ кўзга ташланади. Умуман олганда интерактив методни кўпроқ замонавий фаол методларнинг шакли сифатида кўришимиз мумкин.

Оддий машқ ва топшириқлардан шуниси билан фарқланадики, уларни бажариш жараёнида ўрагилган материал нафақат мустахкамланади, балки яна янгилари ҳам олинади. Шунингдек, бу машқ ва топшириқлар интерактив ёндашувга мўлжалланган бўлиб, замонавий педагогикада ҳам унинг бой заҳираси тўпланган, шулардан қуйидагиларни ажратиб оламиз:

1. Ижодий топшириқ.
2. Кичик гуруҳлар билан ишлаш.
3. Таълимий ўйинлар (ролли, мақсадли ва билим берувчи ўйинлар).
4. Жамиятдаги заҳиралардан фойдаланиш (мутахассис таклиф этиш, экскурсиялар).

5. Ижтимоий лойиҳалар ва аудиториядан ташқари бериладиган таълим методлари (ижтимоий лойиҳалар, радио ва газеталар, фильмлар, сахна асарлари, қўшиқ ва эртаклар).

6. Янги материални ўрганиш ва мустахкамлаш (интерфаол маъруза, кўргазмали қуроллар билан ишлаш, видео ва аудио материаллар, “ўқувчи-ўқитувчи ролида”, “ҳар бир киши ҳар бир кишига ўргатади”), мозайка (ажурали арра) саволлардан фойдаланиш, Сукротли диолог).

7. Мураккаб ва музокара талаб савол ва муаммоларни ечиш (“фикр мактаби”, лойиҳалаштирилган техникалар, “бир ўзинг, икки киши биргаликда”, “позитсияни ўзгартир”, “каррусель”, “телевизион ток шоу услубида мунозара”, дебатлар, симпозиум).

8. Муаммо-ечим (“ечимли дарахт”, “ақлий хужум”, “казуслар таҳлили”, “келишувлар ва медиатсия”) ва хокозо.

Ижодий топшириқлар деганда биз шундай топшириқларни тушунамизки, бунда иштирокчилардан нафақат оддий ахборотни қабул қилиш, балки унга ижодий ёндошиш ҳам талаб етилади. Чунки, берилган топшириқлар катта ёки кичик ҳажмдаги ўрганилмаган элементга қоидага кўра бир неча ёндашувни талаб этади.

Хуллас, ҳозирги замон илм-фан, техника ривожланиб бораётган бир пайтда таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлиши табиийдир. Бу таълимда сифат ва самарадорликка эришишнинг бош омилидир.

Интерфаол инсоннинг компъютер билан ўзаро боғланиб ишлашига, инсон машина ўртасида диологга ўхшаш сифат. Бундай боғланиш ва диологда интерактив фикрлаш ва ўқув материалининг интерактивлиги дейилади. Иккинчи инсон билан оммавий коммуникатсия воситаси ўртасида ўзаро боғланиб ишлашни амалга оширувчи сифат масалан, интерактивмузей (сейт). Бу музейга онлайн режимда бориш мумкин.

Интерактив ўқитиш методи деганда муаммоли вазиятни ҳал этиш учун ўқувчилар ўртасида мунозара, эркин фикр алмашинувини ташкил этиш “ақлий хужум технологиясидан” фойдаланиш мумкин. Кичик гуруҳларга ўқитиш ва умумман ўқувчилар бир-бирларини ўқитади принципида дарс олиб боришни ҳам тушуниш мумкин.

Демак интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчилар хозиржавобликка ўрганади, уларнинг луғат бойлиги кўпаяди, илмий-назарий билими янада мустахкамланади ва дарсга қизиқишини орттиради ва интилишга олиб келади.

1. Ўқувчиларнинг ўқув материалини компъютер ёрдамида мустақил ўзлаштиришни таъминлаш. Бунда ўқувчи компъютерда товуш, анимтсия ва бошқа имкониятларидан (интерфаол муҳит) кенг фойдаланган ҳолда ўқитувчи дастур бўйича ўқув материалини мустақил ўзлаштиради. У интернет тармоғидан ҳам керакли ахборотни олиб ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

2. Ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини уларнинг жонли мулоқотини фаоллаштириш. Бунда одатдаги ўқитувчи монологини мумкин қадар камайтириб, ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи стратегиялардан фойдаланиш, ўқитувчининг машғулотдаги ҳукмронлигидан воз кечиб, уни ўқувчиларнинг мустақил ўзлаштиришларига ёрдам ва маслаҳат берувчи, уларга мустақил фаолият учун шароит яратувчи мақсадга йўлловчи шахс бўлишга эришиши назарда тутилади. Чунки илмий-тадқиқотларда таъкидланганидек мустақил билиш фаолияти ижодий тафаккурни ривожлантиришни асоси бўлиб ҳисобланади

2.2. Замонавий педагогик технологияларнинг табиатшунослик фани дарсларида қўлланилиши.

Интерфаол усулнинг бош мақсади ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчининг фаол, эркин фикр юритишига муҳит яратишдир. Илғор педагогик технологияларининг жуда кўп усуллари мавжуд. Бу усулларида ўқувчининг ёши, психологик хусусияти, билим даражасига қараб фойдаланиш мумкин. Бошланғич синфларда "Ақлий ҳужум", "Кичик гуруҳларда ишлаш", "Тест", Ролли ўйинлар", "Кластер", "Саҳна" дарслари, "Ўйин", "Ақл чарҳи", "Сарловҳаси мендан, матни сендан", ўйини. "Тадқимот ва музёрафлар", "Ҳафти охирига етказ", "Ижодий меҳнат" усулларида фойдаланишда қандайдир бир мақсадни кўзда тутиб, муаммони келтириб, ўқувчиларни шу жараёнда ишлашга тайёрлаб, уни маълум малакаларга эга бўлган ҳолатларда қўлланилса қўлланган натижаларни олиш мумкин.

1. Ўйин, суҳбат, баҳс, учрашув, ерталик, оилада, жамоат жойдан маҳаллаларда ҳар бир дарс мақсадининг аниқлиги, тарихийлиги ва замонавийлиги билан одоб-ахлоқ тушунчаларни тарбиялашга қаратилиши.

2. Ўқув машғулотни ранг-баранг усуллар: аудио, видео, тақдирот, кўғазмалилик, жонли сўз таъсирида ташкил этиш.

3. Ўқитувчилар янги технологик маҳоратга эга бўлиши ва ижодкорлиги. Педагогик технологияларнинг бугунги кунда энг оммавийлашган турларидан бири бу интерактив методлардир. Интерактив методлар ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолияти бўлиб, асосан ўқувчиларни фикрлага ундайди. Керакли ҳулосаларга келишни, улар ўзини таҳлил қилишни ва амалиётда қўллашни ўргатади. Ўқитувчининг асосий вазифаси бу ерда ўқувчиларга ёъл кўрсатиш, ёъналиш бериш, энг тўғри ҳулосани айтишдан иборат.

Интерактив усуллар яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, ўқитувчи ўқувчининг фикрини ҳеч қачон кескин рад этмайди, фақатгина вақти билан

тўғри хулосани айтиб ўтиб кетади. натижада ўқувчи хатосини ўзи тушуниб олади. Бу еса уларни тушкунликка тушиш, фикрлашда тормозланиш каби ҳолатларнинг олдини олади. Интерактив методлар ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланади. Ўқитувчи қандай бўлмасин ўқувчининг фикрини тинглайди ва ҳурмат билан қарашини билдиради, шу билан бирга ўқувчиларни бир-бирларини тинглашга ўргатади. Эътирозлар, қўшимчалар ҳам “ҳурматли”, “сизнинг фикрингизга қўшилган ҳолда”, “бизнинг ҳам айрим фикрларимиз бор эди” каби сўзлар орқали билдирилади. Бундай тарзда ташкил етилган дарсда ўқувчи ўзини ҳурмат қилинаётганлигини сезади ва бундай шароитда ҳеч қандай тайзиксиз эркин фикрлай бошлайди ва уни очиқ баён эта олади. Шулар билан биргаликда у бошқаларни ҳам ҳурмат қилишга ўрганади.

Интерактив методлар ўқувчиларда доимий фаолликни таъминлайди ўқувчилар дарс давомида бўш қолмайдилар, улар мавзуга оид бирор бир муаммо билан банд бўладилар натижада эса зерикиш ҳолатини олди олинади.

Интерактив методлардан фойдаланишда ўқитувчи, энг аввало, дарснинг технологик лойиҳасини тузиб олиши лозим. Дарсни технологик лойиҳалаш учун эса ўқитувчи интерактив метод стратегиялари ва усуллари билан таниш бўлиши лозим.

Ўқитиш усулларига муайян талаблар қўйилади:

- Ўқув материални ўрганишнинг ўқитувчи тавсия этган йўли фикрлашнинг диалектик-материалистик усули мустақил қарашлар, иродавий хусусиятлари ва ҳулқнинг шаклланишига олиб бориши керак. Ана шу талаб нуқтаи назаридан метод тарбиявий тусда бўлиши лозим.

- ўқитиш методининг илмий асоси яққол ва аниқ бўлиши зарур. Шундагина ўқитувчи мазкур метод орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини, қандай масалаларни ҳал қилиб бўлмаслигини кўра олади.

- ўқитишнинг тизимлиги унинг самарадорлигини белгилайди.

- ўқитиш методининг тушунарлилиги ўқитишнинг йўли ўқувчи учун қабул қилиниши ва қўлланиши, ўқув материални ўрганишнинг усули эса билимларни ўзлаштиришнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши зарур.
- ўқитишнинг онглилик ва фаоллик зарурияти ниҳоятда жиддий талабдир.
- билимларни пухталиги ва асослиги.
- ўқитиш методикасида назарий ва амалий ҳодисаларнинг мувофиқлиги.

Ҳар қандай методдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун у қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият усулини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билишни тақозо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини талаб қилади. Ниҳоят, метод мақсадга олиб бориши керак, акс ҳолда, у қўйилган мақсад яроқсизлигини, ё бўлмаса, бу ҳолатда уни умуман нотўғри қўлланганлигини эътироф этиш лозим.

Ўқитиш усуллари қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Тафаккур, хотира, диққат ва ҳаёлнинг алоҳида операцияларни таркиб топтирадиган ва фаоллаштирадиган усуллар;
2. Ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаш-тирадиган усуллар;
3. Назорат ва ўқувчиларни ўз-ўзини назорат усуллари;
4. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг жамоавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Ўқитишнинг турли методларида бир хил усулларни киритиш мумкин. Сўнгги йилларда педагогикада ва мактаб амалиётида ўқитиш методлари муаммосига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муаммо бўйича анчагина тадқиқотлар бажарилмоқда, илғор педагогик амалиётда ўқитишнинг самарадор усуллари ва уларнинг тизимларини қўллашнинг талайгина йўллари топилди. Аммо умумий таълим мактабига хусусан,

бошланғич таълимга қўйиладиган янги талаблар ўқитишнинг усуллари янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Таълимда интерфаол метод бу ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида таълимни ўзлаштириш муносабатларини кучайтириши, фаоллаштириш демакдир. Бугун фан, техника ва санъат жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, ижтимоий ҳолат ўзгараётган даврда мактабларда таълимни хусусан, бошланғич таълимни мазмун жиҳатидан янгича ўқитиш зарурат ва замон талабидир.

Бошланғич синф ўқитувчисининг технологик тайёргарлиги бошланғич синфларда педагогик технология элементларидан самарали фойдаланишни талаб қилади.

Тадқиқотимиз асосий муаммоси бўлган бошланғич синф “Табиатшунослик” фани сифатида қуйидаги ҳолатни кўриб ўтамыз.

“Табиатшунослик” фани предмети дарслари ижодий, ноанъанавий суҳбат, ўйин, оилада, табиатда, баҳс-мунозара, учрашув шаклида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Табиатшунослик” фани дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланишда нималарга этибор берилади:

1. Дарсдаги таълим-тарбия мақсадининг аниқлиги;
2. Педагогик технология мазмунининг ҳозирги давр талабига мослиги;
3. Педагогик технология жараёнида дидактик қоидалар;
4. Ўқитувчининг маҳорат техникаси.

Педагогик технологияни қўллашда ўқитувчи қуйидаги қоидаларга амал қилиши лозим:

1. Замонавийлик таълим-тарбия амалиётига асосланган тажриба, синовдан ўтган дидактика соҳасидаги янгликларни жорий этиш.
2. Таълим-тарбия мазмунини узлуксиз янгилаб бориш. Ўқув дастурларига ҳам бефарқ бўлмасдан синчковлик билан ўрганиш.
3. Умумий ва миллий қадриятлар соҳасидаги янги ижодларни ўрганиб

бориш.

4. Ўқув жараёнида ўқувчи билан ўқитувчи фаолиятини оптималлаштириш, фаоллаштириш уларнинг ички руҳияти ва тарбия даражасини кенгайтириш.

5. Илмийлик янги усул восита муаммоси ҳолатларидан фойдаланиб, ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ўзини англашга ўргатиш.

6. Бунинг учун болаларни дастур мавзулари асосида амалий фаолиятга жалб этиш муҳимдир.

7. Илғор тажрибаларга суяниш.

8. Дарс мақсадининг аниқлиги, мазмунининг замонавийлиги, миллий маънавий кадриятлар билан бойитлиши, ўқувчиларни мустақил ижодий фаолияти, дарсда "Халқ оғзаки ижоди" мақол, эртаклардан ўринли фойдаланиши, ўйин, тест саволлари, кўргазмали куруллар, савол ва топшириқлардан фойдаланиш.

9. Янги педагогик технологияни амалга ошириш учун ҳар бир ўқитувчи Атрофимиздаги олам предметини ўргатишда назарий чуқур билимга эга бўлиши зарур.

Демак, "Табиатшунослик" фани предмети дарсларини турли шаклларда ташкил этиш мумкин.

Ўқитишнинг интерфаол методи бир қанча интерфаол усуллардан иборатдир. Интерфаол усулларни қўллаш орқали ўқитиш самарадорлигин оширишга, ўқувчилар фикрлаш қобилиятини оширишга катта имконият яратади. Ана шундай усуллардан бири ақлий хужумни дарсга тадбиқ этиш мумкин. Ақлий хужум-муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланиладиган самарали методдир. У катнашувчиларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга ундайди. У берилган ҳар қандай муаммога кўп сонли тўғри ечимлар топишга ёрдам беради. Биз қуйида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренинглари (технологияларни) тавсифлаб, баъзиларини ўтказиш тартиби тўғрисида методик тавсия бериб ўтамиз:

“Тамоқлар” методи – ўқувчини мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан

фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

“3x4” методи – ўқувчиларни эркин фикрлаш, кенг доирада турли ғоялар - ни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, ҳулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

“Блиц-ўйин” методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

“Интервью” техникаси – ўқувчи савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.

“Бумеранг” техникаси – ўқитувчи ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган.

“Ўқувчи” тренинги – ўқувчилар билан индивидуал ҳолда ишлаш ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўллари ўргатишга қаратилган.

“Мулоқот” техникасининг аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

3-синф “Табиатшунослик ” фани “Боғларда учрайдиган қушлар мавзуси”.

Технологик ҳаритаси

Мавзу:	Боғларда учрайдиган қушлар
Мақсад, вазифалари	Ўқувчиларга “ Табиатда қушлар уларнинг яшаш тарзини, қишлоқ хўжалигига қушларнинг фойда келтирувчи хусусиятлари тушунтириш. Тарқатилган материалларга яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириш ҳамда суҳбат-мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиш, уларнинг билимини баҳолаш.

Ўқув жараёнининг мазмуни	Кушларнинг турлари уларнинг ўзига хос яшаш тарзи ва озиқланиш занжрини ўрганиш. Зараркунанда ҳашоратларга қарши курашишини ўрганиш. Иссиқ ва совуқ иқлимда яшашайдиган кушлар турларни ўрганиш
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: Сухбат-мунозара технологияси. Шакли: Кичик гуруҳлар билан ишлаш. Восита: Тарқатма материаллар: матнлар, маълумотлар. Усул: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосида. Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоб. Баҳолаш: 5 балли тизим асосида рағбатлантириш.
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Мавзуни қисқа вақт ичида барча Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Ўқувчилар фаоллигини оширади. Ўқувчилар дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир вақтнинг ўзида кўпчилик Ўқувчиларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Ўқувчи: Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаши. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. Ўқувчи: Матн билан мустақил ишлашни ўрганиш. Ўз фикрини раво баён қила олиш. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш. Ўз фикрини ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилиш.

Дарснинг мақсади: а) таълимий мақсад.

Табиатимизда мавжуд бўлган кушларни асраш ҳақидаги ҳикояларни мустақил ўргатиш. Ўқувчи сўз бойлигини ошириш, нутқини ривожлантириш, уларни ижодий фикрлашга, инсонлар меҳнатини қадрлашга ўргатиш. Марказий Осиё алломаларининг қарашлари билан таништириш:

Б) тарбиявий мақсад:

Табиатга озор бермасликка, қушларни, ўсимлик ва ҳайвонларни асраб-авайлашга ўргатиш.

С) ривожлантирувчи мақсад;

Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, экологик дунёқарашини тафаккур доирасини кенгайтириш.

Дарснинг жиҳози: табиатни муҳофаза қилишга бағишланган экспонатлар, ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликлар тасвирланган кўргазмали куруллар.

Дарснинг тури: ақлий ҳужум, савол-жавоб.

Ўқитувчи олдин ўтилганларни мустаҳкамлаб “Боғларда учрайдиган қушлар” мавзуси бўйича суҳбат ўтказади. Ушбу дарсни қуйидагича режалаштиради. Интерфаол усул ёрдамида ўқувчилар билимларини мустаҳкамланади.

Дарснинг бориш.

1. Қуйидаги саволлар ёрдамида ўқувчиларнинг “Боғларда учрайдиган қушлар” мавзусини ўзлаштиришларига еришиш.

2. Зараркунанда ҳашоратларга қарши курашда бизга қандай қушлар ёрдам беради?

3. Қайси қушлар кўпинча боғларда яшайди ва зараркунанда ҳашоратларни қиради?

“Боғларда учрайдиган қушлар” мавзуси бўйича “Билимдон” методи ёрдамида ўқитиш.

Синф ўқувчилари учта гуруҳга бўлинади ва уларга ном қўйилади. Ёзув тахтаси ҳам уч қисмга ажратилади. енг юқорига “Билимдон” деб ёзилган, биринчи банднинг юқори қисмига “Биламан”, иккинчи банднинг юқори қисмига “Билишни хоҳлайман”, учунчи бандга “Билиб олдим” деган сўз ёзилади. Сўнгра ўқитувчи ўқувчилардан мавзу юзасидан қандай маълумотларга ега бўлганликларини сўрайди ва билдирган фикрларнинг тўғрилигини “Биламан” номли бандга ёзиб қўяди. Ушбу ҳаракат гуруҳлар томонидан фикрлар тўла баён етилгунга қадар давом етади. Мазкур

жараёнда гуруҳларнинг барча аъзолари фаол иштирок етишларига аҳамият бериш ўқувчилар томонидан билдирилаётган нотўғри фикрлар ҳам инкор етилмаслиги зарур (чунки бундай ҳаракат ўқувчиларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатади).

Биламан

Қушларни асрашимиз зарур, улар ўзларининг сайрашлари, чиройли ранглари, ҳавода эркин учишлари билан бизга қувонч бағишлайди. Қушлар дала, полиз ва боғларимизни зараркунанда хашаротлардан муҳофаза қилади.

Боғ ўсимликларига ҳам дала ва полиз екинларидаги хашаротлар зарар етказди. Баъзи хашаротлар ўсимликларнинг барглари еса, иккинчилари гулини, учинчилари мевасини ейди. Пўстлоқхўр қўнғизлар ҳам бор, улар ўсимликлар пўстлоғини зарарлантиради. Боғ, шунингдек, полиз екинлари зараркунандаларига қарши курашишида читтак, қарқуноқ, қизилиштон, зарғолдоқ каби қушлар ёрдам беради. Қушлар хашаротлар билан фақат ўзлари озикланибгина қолмай балки, ўз болаларини ҳам боқди. Тунда қушлар ўрнини кўршапалаклар егаллайди. Улар тунлам капалаклари, чивин ва искабтопар каби тунги зарарли хашаротларни қиради.

Кейинги босқичда ўқитувчи ўқувчилардан янги мавзу бўйича қандай маълумотларни ўзлаштириш истагида еканликларини сўрайди ва уларни яна ўйлашга, фикрлашга даъват етади. Навбати билан гуруҳ вакилларида фикрлари сўралади. Ўқувчилар томонидан билдирилган тушунчалар “Билишни хоҳлайман” номли устунга ёзиб борилади.

Билишни хоҳлайман

Қушлар об-ҳавони аниқлаб бериши мумкинми?

Алишер Навоий қушларга қандай ғамхўрлик қилган?

Сўнгги босқичда ўқитувчи “Боғларда учрайдиган қушлар” мавзусига оид тайёрланган матнларни тарқатади. Ушбу матн мавзу бўйича енг асосий тушунчаларни ўз ичига қамраб олади. Ўқувчилар матн билан танишиб чиққандан сўнг, уларнинг фикр юритишлари, натижаси бўйича мавзуга оид

яна қандай материалларни ўзлаштириш лозимлиги аниқланади. Ўқувчиларнинг хулосалари асосида билдирилган фикрларни “Билиб олдим” номли устунга ёзиб борилади.

Билиб олдим

Марказий Осиёлик олим Абу Райхон Беруний ўзининг экологик қарашларида “Қушларнинг тоғлардан пастликларга, текисликларга тушуши, чумолиларнинг ўз инларига бэркиниб олишлари ҳавонинг совушидан далолатдир” деган маълумотни берган. Аллома Алишер Навоий чодирга уя қурган мусичанинг ини бузилмаслиги учун боғда ўз чодирини қолдириб, мулозимларига мусича бола очгунча сиз шу ерда қолинг. У болаларини учириб кетгач, кейин чодирни йиғиб борурсиз деб тайинлаганлар. Аждодларимизнинг ушбу экологик қарашлари қушларни асрашимиз ҳақидаги тушунчамизни янада бойитади.

Дарс сўнгида Ўрта Осиёлик алломаларнинг экологияга доир қарашлари ҳақида олган билимларини мустахкамлаш мақсадида қисқача муҳокама қилинади.

Ўқитувчи ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган уй вазифаларини табиатшунослик дафтарига ёздиради.

Ўқувчилар билимини мустахкамлаш

Шундан сўнг тест савол усули ёрдамида ўқувчиларнинг мавзу бўйича билимлари мустахкамланади. Маълумки синф ўқувчилари парталар қатори бўйича уч гуруҳга бўлинган. Гуруҳ сардорлари тест карточкасини олиб, ўз гуруҳлари билан жавобларни муҳокама қилиб тўғри жавобни белгилайди. Фаолият якунида тест жавобларининг бажарилиши юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Қайси гуруҳ аъзоларининг жавоблари ижобий бўлса, демак ўша гуруҳ ғолиб деб топилади.

Тест карточкасидан намуна

Қушларнинг тоғлардан пастликларга, текисликларга тушуши, чумолиларнинг ўз инларига бэркиниб олишлари ҳавонинг қанақа ҳолатда бўлишидан далолат беради?

А) ёмғир ёғишидан

- Б) исиб кетишидан
 С) қор ёғишидан
 Д) совиб кетишидан.

Уйга вазифа

Табиатшунослик дафтарингизга: боғларда қандай зарарқунанда хашаротлар учрайди ? Номларини ёзинг ва расмини чизинг.

Синф: 3-синф Мавзу: Чумолининг табиатдаги ўрни. 1-чорак 7-дарс.

Технологик харита

Мавзу	Чумолининг табиатдаги ўрни
Мақсад, вазифалар	- Ўқувчиларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатларни шакиллантириш. - Чумолиларнинг табиатдаги ўрни матини билан танишадилар ва чумолиларнинг табиатдаги ўрни ҳақида билиб оладилар; - Матн билан ишлаш ва хулосалар чиқариш кўникмалари шакиллантирилади; - Ҳамкорликда ишлаш кўникмалари шакиллантирилади.
Ўқув жараёнининг мазмуни	- Ўқувчиларда табиатга бўлган муносабат тушунчасининг қанчалик шакилланганлигини аниқлаш; - Табиат бўлган муносабат тушунчасини такомиллаштириш; - Табиатдаги барча фойдали хашаротларни асраб авайлаш тушунчасини шакиллантириш
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: Сухбат, Кичик гуруҳларда ишлаш, ғунча боғлам методи, панорама тренинги, бошқотирмалар. Шакл: Дарс, гуруҳларда ва жамода ишлаш. Восита: Дарслик, мавзуга оид турли кўргазмалар, куруллар. Назорат: оғзаки назорат, савол-жавоблар, тест Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5-баҳоли тизим асосида

1-босқич:

Ўқитувчи қуйидаги топишмоқлар орқали” Кузда хашаротларнинг ҳаёти” мавзусини мустаҳкамлайдилар:

Зув боради,зув келади.Гулга қўнади, шарбат йиғади.


Узун тор кўча, ичи тўла митти бачча.

Жони бор, қаноти йўқ, ер остида сони йўқ...

Ўқитувчи ўқувчиларнинг топишмоқлар юзасидан фикрларни тўлдиради ва янги мавзу билан боғлайди. **(7-дақиқа)**

2-босқич.

Ўқитувчи синф доскасига қуйидаги чизмани чизади ва “Ўзингиз яшаб турган жойларда яшовчи қайси ҳашоратлар сизга маълум?” саволи билан мурожат этади. Ўқувчилар жавобларни ўқитувчи ҳар бир чизиққа ёзади.



Кейин ўқувчилар билан биргаликда барча ҳашоратлар 2 турга бўлинади: фойдали ҳашоратлар 1та рангда, зарарли ҳашоратлар бошқа рангдаги маркерлар билан ажратилади. Шундан сўнг ўқитувчи бугунги дарс фойдали ҳашоратлардан бири чумоли ҳақида эканлигини айтади. **(5 дақиқа)**

Гуруҳлар учун топшириқ: Гуруҳда “Чумолиларнинг табиатдаги ўрни” матини ўқиб чиқинг. Кейин жадвалда берилган 3 та саволга жавоб ёзинг. **(15 дақиқа)**

“Чумолиларнинг табиатдаги ўрни” матнида чумолилар ҳақида нималарни билиб олдингиз?	Чумолиларнинг камайиш ёки йўқолиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин, деб ўйлайсиз?	Энди сиз чумолиларга қандай муносабатда бўлдингиз керак, деб ўйлайсиз?

Тақдимот. Ҳар бир гуруҳдан 1 тадан ўқувчи гуруҳ хулосаларини ўқиб беради. **(6 дақиқа)**

Муҳокама: (9 дақиқа)

- Машғулоти сизга ёқдими?
- Гуруҳда ишлаш қийин бўлмадими?
- Чумолиларга аввал сиз қандай муносабатда бўлгансиз? Нима учун ?
- Чумолилар камайса ёки йўқолса, қайси ҳашоратлар кўпайиб кетиши мумкин ?
- Яна қайси ҳашоратлар одамлар учун фойдали,деб ўйлайсиз ?
- Машғулотдан қандай хулоса чиқардингиз?

Шу ўринда ўқитувчи матнга қўшимча қилиб чумолилар ҳақидаги маълумотларни айтади. Масалан сариқ чумолилар мевали ва мевасиз дарахтларга зиён етказувчи ҳар хил ҳашоратларни қиради. 1 та чумоли оиласи 0.25 гектардан 1-гектаргача бўлган майдондаги ўрмонни зараркунандалардан ҳимоя қилади.

Кенгайтириш: Дарс ҳақида ота-онангиз билан суҳбатлашинг. Расм дафтарда чумоли расмини чизиб, унга сарлавҳа қўйинг.

Синф: 4-синф

Мавзу: Ўлкамизда куз. 1- чорак 8-дарс.

Технологик харита

Мавзу	Ўлкамизда куз
Мақсад, вазифалар	• Ўқувчиларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатларни шакиллатириш. • Куз фаслида бўладиган ўзгаришлар ҳақида билимларни кенгайтирадилар; • Мулоқат кўникмалари шакиллатирилади; • Ҳамкорликда ишлаш кўникмалари шакиллантирилади.
Ўқув жараёнининг мазмуни	• Ўқувчиларда табиатга бўлган муносабат тушунчасининг қанчалик шакилланганлигини аниқлаш; • Табиат бўлган муносабат тушунчасини такомиллаштириш; • Табиатдаги барча фасл ўзгаришлар ҳақидаги тушунсаларни шакиллантириш;
Ўқув жараёнини амалга ошириш	• Метод: Суҳбат, Кичик гуруҳларда ишлаш, ғунча боғлам методи, панорама тренинги,бошқотирмалар.

технологияси	• Шакл: Дарс, гуруҳларда ва жамода ишлаш. • Восита: Дарслик, мавзуга оид турли кўргазмалар куруллар. • Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, тест • Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5-баҳоли тизим асосида
--------------	---

1 гуруҳ.Куз фаслида табиатда қандай ўзгаришлар юз беради?

2 гуруҳ.Куз фаслида об-ҳавода қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин ?

3 гуруҳ.уз фаслида қайси қушлар учиб кетади?

4 гуруҳ.Куз фаслида қандай байрамларни нишонлаймиз ?

5 гуруҳ. Куз фаслида қайси ҳосилларни йиғиштириб оламиз?

6 гуруҳ. Куз фаслини нима учун ёқтирасиз?

Дарс жараёни:

1-босқич

(8 дақиқа)

Ўқитувчи дарсни ташкил қилагач, ўтилган мавзу ўқувчилар билан савол-жавоб орқали сўраб олади ва мустаҳкамлайди. Янги мавзунини эълон қилиб, мавзу юзасидан қисқача тушунча беради. Саволлар:

Қуёш қайси фасилда ерни кўпроқ иситади?

Нима учун ?

Нима учун буюмнинг сояси кун давомида ўзгариб туради ?

2-босқич.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўзига қулай усул билан 5-6 кишлик гуруҳларга ажратиб, ҳар бир гуруҳга флипчарт қоғозларни тарқатади ва саволларга жавоб ёзишларни айтади. 3 дақиқа ўтгач ўқитувчининг бирорта ишораси билан гуруҳлар соат стерелкаси бўйича қоғозларни алмашадилар ва олган флипчарт қоғозидаги саволга жавобни имкон қадар тўлдирдиладилар.

3-босқич.

(15-дақиқа)

Гуруҳлар ишларини тугатгач, ўқитувчи флипчарт қоғозларни доскага илиб қўяди ва гуруҳларга шу маълумотлардан фойдаланиб, “Куз” мавзусида кичкина ҳикоя тузишларни сўрайди.и

Тақдимот. Ҳар бир гуруҳ ўз ҳикояларни ўқиб беради. **(6-дақиқа)**

Муҳокама:

(6-дақиқа)

- Бугун дарсдан нималарни билиб олдингиз ?
- Куз фаслида қандай ўзгаришлар бўлар экан ?
- Куз фаслида қайси байрамларни кенг нишонлаймиз ?
- Қайси гуруҳнинг ҳикояси сизга кўпроқ ёқди ва нима учун ?

Кенгайтириш: Бугунги дарсда энг эсда қолган фикр юзасидан расм чизиб келиш мумкин.

Баҳолаш: Ўқувчилар уйга вазифани бажарганига, саволларга берган жавобларига, гуруҳда ишлашига ва муҳокамада фаоллигига қараб баҳоланади.

Ўйин дарси

Қуйидагиларни мустақил бажаринг.

И. Топа оласизми?

У надур 12 та шохи бор, ҳар шохида 30 та барги бор; баргининг бир юзи оқ, бир юзи қора.

Бир дарахтда ўн икки буток

Учюз олтмиш беш япроқ

Япроқларнинг бир юзи оқ,

бир юзи қора.

Жавоб: (фасллар, ой, кун, кеча ва кундуз)

Йил фасллари биласизми? Улар нечта?

Йил фасллари тўртга бўлинади.

Куз, Қиш, Баҳор, Ёз.

3. Қуйидаги жадвалга фаслларнинг номини ёзинг.

Куз	Қиш	Баҳор	Ёз
-----	-----	-------	----

Фасллар номи тагига мос сўзларни ёзинг.

Куз	Қиш	Баҳор	Ёз
Пахта	Қор	Сумалак	Сувхавзаси
Салқин	Оқ	Исмалоқ	Жазирама
Булут	Арча	Қалдирғоч	Таътил

Йиғим-терим	Совуқ	Ялпиз	Саёхат
Хирмон	Муз	Шабада	Иссиқ-
Дехқон	Қорбўрон	Кўклам	савзавот
Осмон	изғирин	Дала	Мева

Ёзган сўзларингизга асосланиб фасллар ҳақида матн тузинг.

Куз

Она диёримизга олтин куз ўзининг баракали сепини ёйди. Салқин кечалар эрталаб майса-кўкатлар, дов-дарахтлар барглари безайдиган шудринглар куз келганидан дарак бермоқдалар. Тоғ хавзаларидаги сувлар камайди. Наъматаклар меваси қизил бўлди. Иссиқ севар қалдирғоч узунқанот, кўк қарғалар биринчи учиб кетишади. Сентябрь охирига бориб чуғурчиқлар биз билан хайирлашиб ўзлари учун кадрдон бўлиб қолган жойларга парвоз қилишади. Кечалари ер юзига қиров тушади. Ноябрь охирида ёмғир аралаш бир оз қор ёғади.

Қиш

Хар фаслнинг ўз фазилати ва ўзига хос хислати бор. Қиш фасллар ичида чиройга бой гўзал фаслдир.

Қишда ҳамма ёқ оппоқ қор билан қопланади. Ариқларда сувлар музлайди. Хаво муссаффо ёқимли бўлади. Киши қанча нафас олса ҳам тўймайди. Қиш тонги кишига ўзгача ором беради. Қуёш тоғлар ортида қизариб чиқади. Қорлар майда зарралардек турли туман рангда ялтирайди. Дарахтлар оқ кийимга бурканади. Улар худди хаёл суриб тургандек туюлади. Бу фаслда болажонлар турли-туман ўйинлар ўйнаб қувонадилар.

Баҳор

Баҳор жуда кўркем фаслдир. Баҳор фаслига март, апрел, май ойлари киради. Баҳор келиши билан қуёш илиқ нурларини соча бошлайди. Базан осмонда булутлар кўпаяди. Ёмғир тез-тез ёғиб туради. Дарахтлар куртак чиқариб, гуллаб барг ёзади. Жажжи қизчалар тол барглари тақадилар. Қир ва адирларда лолалар қипқизил бўлиб очилади. Далада иш қизгин кетади. Тракторларнинг ҳаммаси ишга шай қилиб қўйилган эди. Улар энди

далаларда жавлон уриб ишни бошладилар. Ерга ўғит солинади ва қайта ишлов берилгач шудгорларга эгат олинади.

Ёз

Болажонларнинг севимли фаслларида бири бу ёз фаслидир чунки болажонлар ёзда таътилга чиқишади. Фасллар ичида энг иссиғи ёз хисобланади. Ёз фаслига июн, июл, август ойлари киради. Ёзда қуёш бобо ерни рос қиздиради. Сув хавзаларига борсангиз болажонлар қийқириб чўмилиб ётишибди. Дарахтларда мевалар ғарқ пишиб ётибди. Дехконлар полиздан мўл-кўл хосил олмоқдалар.

2. Хар бир фаслга оид шер биласизми?

Куз

Шукур Саъдулла

Ғир-ғир шамол елади

Буни хамма билади

Ўгиради елга юз

Мархамат-кел олтин куз

Мактаб бориб ўғил-қиз

Қўлида китоб хамда гул

Олтин оқар даладан

Тонг ёришган палладан

Қуёш тушар тафтидан

Қўрқиб қишнинг афтидан

Сарғаяди кўкатлар

Барг тўкади дарахтлар

Хосил еғиб олинар

Қишга замин солинар.

Қиш

Қудрат Хикмат

Саваб булут тўшагин

Қиш тўзғатар момик пар

Ерга сербар оқ наMAT

Ёзилгандек ялтирар
Махалла-кўй кўчада
Чуғуллашиб қор курар
Эсиб совуқ изғирин
-Тезроқ юр –
деб буюрар.
Пир-пиратиб кўзини
Автобуслар ўтади.
Қахратон қиш ховурни
Мўркон каби ютади.

Баҳор

Қудрат Хикмат

Учиб юрар майин шамоллар
Елпиб-елпиб анхор юзини
Қирғоқларида соябон толлар
Ойна-сувда кўрар ўзини
Тонг йиллари ўйноқлаб секин
Жийдазорга кириб ёқолар
Майса ўтлар тебраниб секин
Орқасида кузатиб қолар
Чумчуқларнинг оғзида чоп хас
Ин кўйишар тутлар устига.

Ёз

Шукур Саъдулла

Келди кўклам каби соз
Бизлар севган иссиқ ёз
Экин ўсти ерлардан
Буғдой пишди қирларда
Қип-қизарди олчалар
Узар ёш болачалар
Полиз тўла бодринг
-деҳқон тез узиб беринг

Сабр қилинг сиз андак
Сўйиб берай хандалак
Қуёш кўкдан нур сочар
Янги дунёлар очар
Ўрик етилиб пишар
Ерларга тўп-тўп тушар.
Ёзган хикоя шерларингизни синфдошларингизга ўқиб беринг.

Иккинчи боб бўйича хулосалар.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар унинг самарадорлигини таъминлаш, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб етиштиришга хизмат қиладиган узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилгандир. Бу борада бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этиш муаммосини тадқиқ этишга йўналтирилган тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги муаммонинг назарий-амалий асосларини ўрганиш жараёнида аён бўлди. Бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишнинг амалиётдаги мавжуд аҳволи батафсил ўрганиб чиқилди. Бошланғич таълим дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишнинг мавжуд ҳолатини қрганиш тадқиқот доирасида амалга ошириладиган тажриба-синов ишларининг кейинги босқичларида олиб борилган фаолиятнинг моҳиятини ойдинлаштириш имконини берди. Интерфаол методлар асосида ташкил этиш бошланғич таълим ўқувчиларига ўқув ҳамда мутахассислик фанларининг асослари тўғрисида чуқур маълумотлар олиш дарсларида ўз имкониятларини эркин намойиш этиш, фаолиikka эришиш каби кўникмаларни шакллантириш, бошланғич таълим дарсларини ташкил этишдан кўзланган мақсадга ўз жисмоний куч сарфлаб, кўпроқ самарага эришиш учун имконият яратди. Натижада:

- бошланғич синф дарсларини ўтиш фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, интерфаол методлар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.
- бошланғич синф дарсларини интерфаол ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, интерфаол методлар таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган янгича ёндашув эканлиги исботланди.
- бошланғич таълим дарсларига технологик ёндашув асосида билим беришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши педагогик фаолиятнинг сифат ва самарадорлигини оширишга имкон беради.

III. БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

3.1 Тажриба-синов ишларининг мазмуни ва ўтказиш методикаси.

Ёш авлодни етук мутахассислар, ақлан, руҳан камол топган, ўз Ватанини севувчи, уни ардоқловчи инсон қилиб тарбиялашда таълим соҳасининг ўрни беқиёс. Бола шахсининг мукаммал шаклланишида табиат, унда бўладиган воқеа-ҳодисалар, табиат қонуниятлари муҳим роль ўйнайди. Болалар табиат билан танишар эканлар ҳам ақлан, ҳам ахлоқан, ҳам жисмонан, ҳам илмий дунё қарашлари мужассамланиб шаклланиб боради ва улар табиатини асраш, эҳтиёт қилиш ва муҳофаза қилиш руҳида тарбияланадилар. Инсон табиат маҳсулидир. Инсонни табиат яратган камолга етказган. Шундай экан, биз табиатни ароқлашимиз, унга тўғри муносабатда бўлиб, табиатни яна ҳам қўрқамлигига, ободанлаштириш ишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Ёш болаларни ҳар томонлама камол топштириш ва тарбиялаш турли омиллар асосида амалга оширилади. Бунинг энг самаралиси мактабагача ёшдаги болаларни табиат билан таништиришдир. Сабаби инсон гўдаклигиданоқ табиат қўйнида ўсади, улғайиб камол топади. Болани гўдаклигидан бошлаб табиатдан завқ олишга, табиатга нисбатан тўғри муносабатда бўлишга ўргатиб боришимиз зарур.

Синф: 3-синф

Мавзу: Ўлкамизда куз. 1- чорак 8-дарс.

Технологик харита

Мавзу	Ўлкамизда куз
Мақсад, вазифалар	• Болаларнинг кузда йиғим-терим ишлари ҳақида тушунчасини кенгайтириш; • Бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар ҳақида маълумот бериш; • Бегона ўтлар, яшил қурбақа ҳақида маълумот бериш; • Полиз экинлари ва уларнинг фойдаси ҳақида маълумот бериш, она табиатга меҳр уйғотиш; • Меҳнатга муҳаббат руҳида тарбияла

	• Ҳамкорликда ишлаш кўникмалари шакиллантирилади.
Ўқув жараёнинг мазмуни	• Ўқувчиларда табиатга бўлган муносабат тушунчасининг қанчалик шакилланганлигини аниқлаш; • Табиат бўлган муносабат тушунчасини такомиллаштириш; • Табиатдаги барча фасл ўзгаришлар ҳақидаги тушунчаларни шакиллантириш;
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	• Метод: Сухбат, Кичик гуруҳларда ишлаш, ғунча боғлам методи, панорама тренинги, бошқотирмалар. • Шакл: Дарс, гуруҳларда ва жамода ишлаш. Восита: Дарслик, Синфни кузги безаклар, сабзавот ва полиз экинларидан намуналар билан безаш, тест, карточка, магнитофон ва “оролчалар” билан безаш. • Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, тест • Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5-баҳоли тизим асосида

Дарснинг бориши: Гимн садолари остида ўқувчилар мадҳия куйлайдилар. Таклифнома ўқилади:

Келиб кузак, табиат меҳр,

Оллоҳ ато этди жон.

Келинг, кўринг ушбу кун,

Байрамимиз шу бугун.

Ақлий ҳужум: Сўзлар ёзилган стенддан фойдали ва зарарли ҳашорат ва экинларни танлашади.

Фойдали:

Асалари

Наъматак

Чумоли

Визиллоқ кўнғиз

Япалоққуш

Энг фаол қатнашган ўқувчиларга рағбат жетонлари берилади.

Гуруҳларга бўлиниш: Ҳар бир болага сўзлар ёзилган карточка

Зарарли:

шиллиққурт

капалак

чирмовуқ

тарқатилади. Болалар ўқиб, ўз жойларини топиб ўтирадилар.

“АРИ”,

“Китоб”,

“Қиров”

Ўйин-топишмоқ ўтказилади.

1-вариант:

1-таъриф: Кичкина доно,

Ичи тўла маъно.

2-таъриф: У ҳар биримизда бор

У сиз биз мактабга келмаймиз.

3-таъриф: Қат-қат қатлама,

Ақлинг бўлса ташлама. (Китоб)

2-вариант:

1-таъриф: Табиат ҳодисаси. Ёғмайди-ю,

Аммо тонгда ҳамма жойни қоплайди.

Совуғи бор эмас қор,

Оппоқ, кеч ким демас қор.

Совуқ вақтида ҳамма ёқни қоплайди-ю,

Ҳаво саи исиши билан даров эриб кетади. (Қиров)

3-вариант:

1-таъриф: Айтишларича у шунақа оққўнгил эканки, мабодо бирор кишини чақиб хафа қилиб қўйса, ўзи ҳалок бўлар эмиш.

2-таъриф: У ҳашоратнинг номига ширинлик номи ҳам қатнашган

3-таъриф: Гулдан-гулга қўнар у,

Шарбат йиғиб жўнар у.

Йиғиб ўзи емайди,

Уясига тўплайди.

Ҳосили меҳри сенга,

Ким номини айтар менга? (Асалари)

Янги мавзу:

Расмлар орқали кўриб бугун қандай мавзу ўтилишини топадилар.

- Болалар, расмда нималарни расмини кўраяпсиз?

- Бодринг, помидор, сабзи....
- Улар қаерда ўсади?
- Далада.

Ҳаммасини сабзавот экинлари деб атаймиз. Улар йилига бир маротаба экилиб, ҳосил беради. Шунинг учун улар бир йиллик ўсимликлардир.

Бошқа сабзавот экинларининг уруғли меваси ҳаётининг иккинчи йили пишиб етилади. Карам, сабзи, лавлаги ва пиёз-булар икки йиллик ўсимликлар. Сабзавот ва ўсимликларнинг ёб бўладиган қисми сабзавотлар деб аталади.

Амалий машғулот:

Синфдаги сабзавотларни кесиб, уларни кўриб чиқиш. Улар уруғи ва баргини эзиб, ҳидлаб кўриш. Сабзи илдиз мевасини кўриб чиқиш. У қандай рангда? Қандай шаклда?

Сабзи ҳаётининг биринчи йилида уруғдан қизғиш сарик рангли йўғон илдиз ўсиб чиқади. Сабзида уруғ иккинчи йили ҳосил бўлади.

Бу ўсимликлар доимий равишда ҳашоратлар томонидан таъқиб қилинади. Уларга нималар ёрдам беради?

Худди далада бўлганидек, экинзорда ҳам маданий ўсимликлар орасида бегона ўтлар-бўзтикан, олабўта, буғдойиқ, чирмовиқ, зарпечак учрайди. Ундан ташқари шира ҳам тушади, шиллиқурт ҳам зарарсизлантиради. Шиллиқурт тунда ҳаёт кечириб, кундузи қуёш қизиғидан ва қуруқликдан яширинади. Уни илдизларини ва мевасини ейди.

- Қани, болалар, ким биринчи бўлиб уларга ёрдам беради? Китобдан топинг-чи.

Уларга хонқизи, визилдоқ қўнғиз ва олтинкўзлар ёрдам беради.

- Болалар, яна яшил тўнли ҳайвон нима экан?

- У қурбақа. У фойдали, курт-қумурсқаларни овлайди. Ўз терисидан куйдирувчи шилимшиқ модда ажратади. Бу уларни кўпчилик душманлардан сақлайди.

- Қандай қушлар ёрдам беради?

- Читтак, япалоққуш, сассикпопишак ва бошқа қушлар ёрдам беради.

Гуруҳлар жавоби эшиттирилади, мустаҳкамлаб якунлаш.

1-хулоса: Фойдали кўнғизлар ҳам бор.

2-хулоса: Қурбақа-фойдали ҳайвон, у инсон ҳимоясига муҳтож.

3-хулоса: Қушлар ҳосил йиғишда одамларнинг содиқ ёрдамчиларидир. Уларни полизга жалб этиш, муҳофаза қилиш ва қиш кунлари боқиб туриш керак.

Полиз экинлари:

- Республикамиз далаларида тарвуз, қовун ва қовоқ каби полиз экинлари ўстирилади. Улар ерда барглари йирик, гуллари сарик, мевалари жуда йирик бўлади. Мевасида уруғи кўп бўлади. Юмшоқ, ширин, этида инсон ҳаёти учун зарур витаминлар ва тўйимли моддалар бўлади.

Расм орқали уларни солиштириш.

Хулоса: Полиз экинлари жуда фойдали. Уларни вақти-вақти билан истеъмол қилиш зарур.

Дарсни мустаҳкамлаш:

Савол-жавоб ўтказиш. Ўқувчилар жетонларини тўплаб, билимларини баллаш.

“Табиатшунослик” фанидан сув мавзусига доир тарбиявий тадбир ўтказиш.

Мавзу: “Сув байрами

Мақсад: “Сув байрами ” ни ўтказиш орқали, болаларни йил давомида олган билим ва кўникмаларини аниқлаш, ёз мавсумини мароқли ўтказиш, сув, ҳаво, қуёш ваннасидан тўғри фойдаланишга, болаларни шахсий гигиеник кўникмаларига риоя қилишга ўргатиш орқали: “Соғ танда-соғлм ақл” иборасини онгига сингдириб бориш, 2006 йил “Хомийлар ва шифокорлар” ҳақидаги болалар тушунчасини мустаҳкамлаш, болаларда байрамона кайфиятини ҳосил этиш.

Бошланғич синф дарслари ўқитувчиларида тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувни қарор топтиришга эришиш мураккаб жараён бўлиб, ушбу жараённинг самарали кечиши уларнинг

мутахассислик фанлари асосларини чуқур ўзлаштирганликлари, фанлараро алоқадорликни, шунингдек, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳияти ва давр талабини англай олишлари, тарбиявий ишларни ташкил этиш тажрибасига эгалликлари, тарбия жараёнини ташкил этишдан кўзланган мақсаднинг ғоявий жиҳатларини таҳлил эта олишларига боғлиқ.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларида қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Бошланғич синф “Табиатшунослик ” фани дарсларида амалга ошириладиган тарбия жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этиш педагогик жамоа олдида турган умумий мақсад сифатида эътироф этилишига эришиш.

2. Бошланғич таълим Табиатшунослик” фани дарсларининг тарбиявий фаолиятини интерфаол методлар асосида ташкил этиш борасида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш.

3. Бошланғич таълим Табиатшунослик” фани дарсларининг тарбиявий фаолиятини интерфаол методлар асосида ташкил этиш йўлида муайян шарт-шароитларни яратиш.

4. Уюштирилаётган тадбирларнинг ғоявийлигини таъминлаш.

5. Тадбирлар ғояларининг ягона мақсадга хизмат қилишига эришиш.

6. Тадбирларни ташкил этишда уларнинг узлуксиз, тизимли ва изчил бўлишини таъминлаш.

7. Тадбирлар жараёнида ҳар бир ўқитувчининг ички имкониятларини инобатга олиш, уларнинг педагогик тажриба ва касбий маҳоратларига таяниш.

8. Тадбирларни уюштиришда мактаб ўқув фаолиятини интерфаол методлар асосида ташкил этиш борасида республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда йўлга киритилган тажрибалардан фойдаланиш.

9. Тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсаднинг натижаланишига эришиш.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида тарбиявий фаолиятни интерфаол методлар асосида ташкил этишга йқналтирилган тадбирларнинг қуйидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида уюштирилиши кутилган натижани ққлга киритиш учун имкон яратиши аниқланди:

а) тадбирлар шакллари - маъруза, давра суҳбати, семинар, баҳс-мунозара, учрашув, танлов, кўрик, мусобақа ва бошқалар;

б) тадбирлар самарасини таъминловчи методлар - тушунтириш, ҳикоя қилиш, кўрсатмалилик, манбалар билан ишлаш, рағбатлантириш, жазолаш ва ҳоказолар;

в) тадбирлар самарадорлигини оширишда қўзланган воситалар манбалар (ўқув дастури, қўлланма ва дарсликлар), кўргазмали, техник ҳамда ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот воситалари газета ва журналлар), нутқ, педагогик тажриба, ёш ўқитувчиларнинг фаолияти ва бошқалар.

Тадқиқот давомида амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида бошланғич таълим “Табиатшунослик” фани дарслари ўқитувчиларининг мавжуд шароитда тарбиявий тадбирларни қандай омилларга таянган ҳолда олиб бораётганликлари ва уларнинг самарадорлиги қай даражада эканлигини қрганишга ҳаракат қилдик.

Тажриба синфларида олиб борилган кузатиш ва экскурсия дарслари табиий ҳодисалар, табиат предметлари ва уларга хос хусусиятларнинг ўрганилишда технологик ёндошув, шунингдек, ўқувчиларга тизимли билимларни етказиб бериш тамойили асосида ўқув фаолияти амалга оширилди.

Дарсларни интерфаол методлар асосида ташкил этиш, экскурсия ва саёҳатлар жараёнида табиатни кузатиш, аниқ танланган объектнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, муҳим белгиларини аниқлаш, табиий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, назарий билимлари

асосида маълум хулосаларни чиқариш каби вазифаларнинг ўқувчилар томонидан муваффақиятли бажарилишига алоҳида аҳамият қаратилди.

Хар бир интерфаол методлар асосида ташкил этилган экскурсия ва саёҳат дарс якунида ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга йўналтирилган интерфаол методлар асосида сўралди:

1. «Ўсимликни топ».
2. «Ўсимликни баргига қараб аниқла».
3. «Ўсимликларнинг уруғларини ажрата оламизми?».
4. «Расмда тасвирланган ҳайвонларга таъриф бер» каби ўйинлар

ташкил этилди.

Назорат синфларида ҳам маълум мавзулар бўйича кузатиш дарслари ташкил этилди. Бироқ уларнинг анъанавий методлардан фойдаланилганлиги (маълумотларнинг ўқитувчи томонидан оғзаки баён этилиши, объект ёки предметнинг намоиш этилиши, ўқувчиларга саволлар бериш асосида жавоблар олиш каби) боис кутилган натижалар қўлга киритилмади.

Масалан, «Болалар, мана бу қайрағочга диққат билан қаранг, унинг битта йўғон пояси бор. Мана бу дарахтда эса бир неча ингичка поя, шох мавжуд, у оддий бута».

Дарсларнинг бу тарзда ташкил этилиши ҳам ўқувчиларга муайян назарий билимларни бера олади, бироқ уларни ижодий фаолликка ундай олмайди, ўқувчилар мустақил изланмайдилар. Ўқувчиларни кичик илмий тадқиқотларни амалга оширишга ундаш, табиат предметларини ўзаро бир бирлари билан таққослаш каби хатти-ҳаракатлар ўзлаштирилаётган билимларнинг сифати ва ўқув жараёнининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Тажриба синфларига жалб этилган ўқувчилар иштирокида чорвачилик фермасига уюштирилган экскурсия, чувалчанг ва карам қуртларининг хатти ҳаракатларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган амалий тажрибалар ўқувчиларнинг табиатшунослик билимларини бойитди яъни, улар сигирларнинг парвариш қилиниши, озикланиши, чувалчангнинг ерни

юмшатишдаги роли, унинг қишлоқ хўжалиги учун фойдали эканлиги, қарам қуртининг ўсимликларга зиён етказиши каби маълумотларни билиб олдилар.

Ўқувчилар томонидан топшириқлар бажарилгандан сўнг ёзма ишларнинг мазмуни билан танишиб чиқдик. Қуйида улардан айрим намуналарни келтирамиз.

"Авваллари бақа ва қурбақаларни ёмон қурадим. Чунки улар кўринишдан жирканч ва совуқ. Ўртоқларим билан уларнинг бир нечтасини ўлдирганмиз. Экскурсия вақтида ўқитувчиларимиз томонидан берилган маълумотлардан уларнинг нақадар фойдали эканликларини билиб олдим. Энди уларни ўлдирмайман".

Тошкент шаҳридаги 118 сонли мактабнинг 3 синф ўқувчиси Исмоил Бўриев эса табиий шароитларда жисм ва объектларни кузатиш натижасида олган таассуротларини қуйидагича ифодалайди:

"Мен ҳамиша бақа ва қурбақаларни ёқтирмас эдим. Чунки улар жуда хунук. Уларни кўриб қолсам, тош отиб ўлдиришга уринардим. Экскурсия вақтида ўқитувчимизнинг фикрларидан уларнинг фойдали эканлигини тушундим. Энди мен уларга ёмон муносабатда бўлаётган болаларни бу йулдан қайтараман. итбалиқларга ҳам озор бермайман. Уларни кузатишга ҳаракат қиламан".

"Бир кун мен ертулада турган бочка ёнида учта бақа юрганлигини кўриб қолдим. Улар бир бирларини устига тирмашар эдилар. Мен бақаларнинг устига бочкани ағдариб қуйдим. Бир неча кўндан сўнг бочкани кўтарганимда унинг тагида бақаларнинг ўлиб ётганлигини кўрдим. Уларга жуда ачиндим ва хато иш қилганимни сездим. Сув ҳавзасига қилган экскурсиямиздан кейин мен қилган ишимдан янада кўпроқ пушаймон бўлдим. Энди сира бундай ҳаракатларни қилмайман. Хар бир жониворга ғамхурлик қиламан".

Ўқувчилар томонидан билдирилган фикр мулоҳазалардан англанадики, бу ёш даврида уларда миссий, иродавий ва ақлий сифатлар тартиб топа бошлаган. Уларнинг табиат билан яқинлашувларини таъминлаш

шаклланган сифатларни янада такомиллашиб, мустаҳкамланиб боришига замин яратади.

Тажриба ва назорат синфларига бириктирилган ўқувчиларига тажриба ишларининг якуний босқичида ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, ҳашорат ва балиқлар, шунингдек, табиат ҳодисаларининг моҳиятини ёритувчи тест саволлари яна бир марта берилди. Мазкур саволларга ўқувчилар томонидан қайтарилган жавобларининг кўрсаткичлари ҳақида қуйида сўз юритилади.

Ўқувчиларнинг ўсимликлар ҳақидаги билимларни ўзлаштирганлик кўрсаткичлари қуйидагича бўлди (3.2.1—жадвал).

3.2.1-жадвал. 1-2-синф ўқувчиларининг ўсимликлар тўғрисидаги билимларни ўзлаштириш тавсифи (тажриба якунида)

Синфлар	Даражалар	Ўсимликларнинг турлари		
		Дарахтлар	Буталар	Ўтлар
Тажриба синфлари (респондентлар сони 190 нафар)	Юқори	82	81	78
	Ўрта	90	89	91
	Паст	18	20	21

Синфлар	Даражалар	Ўсимликларнинг турлари		
		Дарахтлар	Буталар	Ўтлар
Назорат синфлари (респондентлар	Юқори	25	26	24
	ўрта	75	75	70
	паст	90	91	86

сони - 190 нафар)				
----------------------	--	--	--	--

Кўрсаткичлардан англанадики тажриба синфларининг ўқувчилари ўсимликлар, уларнинг турлари, аҳамияти, кўпайиши, озиқланиши борасидаги тест саволларига тажриба аввалидагига қараганда ижобий жавоб қайтарган бўлсалар, назорат синфлари ўқувчиларининг жавобларида кескин ўзгаришлар кўзга ташланмади (3.2.2 — жадвал).

3.2.2-жадвал. 1-2-синф ўқувчиларининг ҳайвонлар тўғрисидаги билимларни ўзлаштириш тавсифи (тажриба якунида)

Синфлар	Даражалар	Ҳайвонларинг турлари	
		Уй ҳайвонлари	Ёввойи ҳайвонлар
Тажриба синфлари (респондентлар сони - 190 нафар)	Юқори	105	98
	ўрта	75	82
	паст	10	20

Синфлар	Даражалар	Ҳайвонларинг турлари	
		Уй ҳайвонлари	Ёввойи ҳайвонлар
Назорат синф	Юқори	25	23
	ўрта	65	37

(респондентлар сони - 190 нафар)	паст	100	130
----------------------------------	------	-----	-----

Тажриба ва назорат синфи ўқувчиларининг ҳайвонлар ҳаётига оид тест саволларига жавоблари мазмунини таҳлил қилиш натижаси мазкур уринда ҳам юқоридаги фикрларни қайд этиш мақсадга мувофиқ эканлигини курсатди (3.2.3 жадвал).

Табиат ҳодисалари тўғрисидаги саволларга ҳар икки гуруҳга бириктирилган ўқувчилар ниҳоятда паст курсаткичлар асосида салбий жавоб берган бўлиб, умумий ҳисобда ижобий жавоблар 22, салбий жавоблар 731 нафар ўқувчиларнинг ҳиссасига тугри келган

3.2.5-жадвал. 1-2 синф ўқувчиларининг табиат ҳодисалари тўғрисидаги билимларни ўзлаштириш тавсифи (тажриба якунида)

Синфлар	Даражалар	Табиат ҳодисалари		
		Ёғинлар	Атмосфера ҳодисалари	Тектоник ҳаракатлар
Тажриба синфлари (респондентлар сони - 190 нафар)	Юқори	55	52	35
	ўрта	65	63	45
	паст	70	75	110
Синфлар	Даражалар	Табиат ҳодисалари		
		Ёғинлар	Атмосфера ҳодисалари	Тектоник ҳаракатлар
Назорат	Юқори	19	18	12

синфлари	ўрта	31	22	13
(респондентлар сони - 190 нафар)	паст	140	150	165

Тажриба синов ишларининг якуний босқичида тажриба синфларида сезилари ўзгаришлар қайд этилди.

Тажриба синов ишларининг умумий якунлари асосида бошланғич синф ўқувчиларида “Табиатшунослик ” фани дарсларни ноъананавий тарзда ташкил этиш натижасида ўқувчиларда табиатга бўлган қизиқишни ортганлигини кўришимиз мумкин.

Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун 2012-2012 йиллар мобайнида Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 118-умумий ўрта таълим мактабларининг 3-4- синф ўқувчилари билан тадқиқот ўтказилди.

Тажриба синов ишларига 190 нафар ўқувчиларнинг 96 нафари тажриба гуруҳига, 94 нафари назорат гуруҳига жалб қилинди. Тажриба гуруҳларида дарс биз таклиф этган, янги педагогик технология асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий услубда амалга оширилди.

Тажриба-синов ва назорат майдонлари таркиби

1 Тажриба-синов ва назорат майдонлари таркиби

	Туман	Мактаб	Синфлар	Тажриба гуруҳи	Синфлар	Нazorat гуруҳи	Ўқувчиларнинг умумий сони
1	Гулистон шаҳар	16-ўрта	1 ^a	20	1 ^b	22	42
2			1 ^b	24	2 ^a	23	47
3			2 ^a	28	3 ^b	25	53

4			2 ^б	24	4 ^а	24	48
	жами			96		94	190

3.1.-жадвалда қайд этилган 1а-1б 2а-2б-синфларда ишлаб чиқилган технология асосида йўлга қўйиш учун дацлаб иш режалари, дарслар таҳлил қилинди. Бунда биз асосий эътиборни ўқувчиларни назарий билимларини амалий ривожлантириш имкониятини яратиш билан бирга уларга тегишли мукамал тушунчаларни шакллантиришга қаратдик.

Тажриба-синов ишларида тажриба гуруҳи 1а-1б 2а-2б -синфларида 2.2. параграфда келтирилган ноанъанавий усуллари, саҳналаштириш, тренинг, бошқотирма, турли хил топишмоқлар шаклида дарс ташкил этилди.

Бу эса таълим самарадорлигини оширишига сабаб бўлди. Бунинг исботи сифатида жадвал 2.2.да тажриба гуруҳи аъзоларининг давлат таълим цандартлари асосида билим, кўникма ва малакалари мониторинги натижалари аниқланди. Ушбу 2.2.-жадвалда тажриба гуруҳи синфлар ҳамда ўқувчилар сони асосида самарадорлик фоиз ҳисобида аниқ қилиб кўрсатилган.

Жадвал 2.2. Тажриба гуруҳи аъзоларининг ДТС талаблари асосида билим, кўникма ва малакалари мониторинги натижалари

2010-12 ўқув йили

Тажриба гуруҳи										
	Синфлар	Ўқувчиларнинг умумий сони	Аниқ БКМ сони	100%	90-99%	80-89%	70-79%	70% паст	Ўртача	Самарадорлик
	1 ^а	20	0	4	7	6	3	-	85%	100%
	1 ^б	24		5	8	8	2	1	82%	96%

			2							
	2 ^a	28	4	5	10	8	5	1	81%	96%
	2 ^b	24	5	4	19	6	4	-	93%	100%
жами		96	1	18	4	28	14	2	85%	98%

Юқоридан жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, 1а-синфда 20 та ўқувчи бўлиб, 100% олган ўқувчилар сони 4 та, 90-99% гача олганлар сони 7 та, 80-89% гача олганлар сони 6 та, 70-79% гача олган ўқувчилар сони 3 та, ўртача 85% ни ташкил этди, яъни самарадорлик 100% деб олинди.

1 б-синфда 24 та ўқувчи бўлиб, шулардан 100% ни 4 нафар ўқувчи, 90-99% ни эса 8 нафар ўқувчи, 80-89% ни ҳам 8 нафар ўқувчи, 70% дан пац даражани 1 нафар ўқувчи билим олишга эришган. Умумий ўртача 82% бўлса, самарадорлик 96% ни ташкил этди.

2а-синфни 28 нафар ўқувчи ташкил этган, шулардан 100% ни 4 нафар ўқувчи, 90-99% ни эса 10 нафар ўқувчи, 80-89% ни 8 нафар ўқувчи, 70-79% ни 5 нафар ўқувчи, 70% дан пац даражани 1 нафар ўқувчи билим олишга эришган. Ўртача 81% бўлса, самарадорлик 96% ни ташкил этди.

2б-синфда 24 та ўқувчи бўлиб, шулардан 100% ни 5 нафар ўқувчи, 90-99% ни эса 9 нафар ўқувчи, 80-89% ни 6 нафар ўқувчи, 70-79% ни 4 нафар ўқувчи билим олишга эришган. Умумий ўртача 93% бўлса, самарадорлик 100% ни ташкил этди.

Жамини ҳисоблаганда тажриба гуруҳи ўқувчилар сони 96 та бўлиб, шулардан 100% ни жами 18 нафар ўқувчи, 90-99% ни эса 34 нафар ўқувчилар, 80-89% ни 28 нафар ўқувчилар, 70-79% ни 14 нафар ўқувчилар, 70% дан пац даражани 2 нафар ўқувчи ташкил этган. Ўртача 85% деб оладиган бўлсак, самарадорлик даражаси 98% ни ташкил этди.

Юқорида келтирилган жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, 1б-синфда

ўқувчилар сони 22 та, аниқ БКМ сони 10 та, шулардан 90-99% ни 5 нафар ўқувчи, 80-89% ни 4 нафар ўқувчи, 70-79% ни 10 нафар ўқувчи, 70% дан пац 3 нафар ўқувчи билим олишга эришди. Умумий ўртача 83% ни, назорат гуруҳи самарадорлиги 86% ни ташкил этган

**Назорат гуруҳи аъзоларининг ДТС талаблари асосида билим,
кўникма ва малакалари мониторингининг натижалари**

Тажриба гуруҳи										
№	Синфлар	Ўқувчилар сони	Аниқ БКМ сони	100%	90-99%	80-89%	70-79%	70% пац	ўртача	Саломатлик
1	1 ^а	22	10	-	5	4	10	3	83%	86%
2	1 ^б	23	12	-	4	4	10	5	80%	78%
3	2 ^а	25	14	-	8	5	3	9	68%	64%
4	2 ^б	24	15	-	4	6	8	6	72%	75%
Жами		94	51		1	9	31	3	76%	76%

2 а-синфда жами ўқувчилар сони 23 та бўлиб, шулардан 90-99% ни 4 нафар ўқувчи, 80-89% ни 4 нафар ўқувчи, 70-79% ни 10 нафар ўқувчи, 70% дан пац 5 нафар ўқувчи, ўртача 80% ни ташкил этди. Бу синфда назорат гуруҳи самарадорлиги 78% ни ташкил этгандир.

2 б-синфда жами ўқувчилар сони 14 та бўлиб, шулардан 90-99% ни 8 нафар ўқувчи, 80-89% ни 5 нафар ўқувчи, 70-79% ни 3 нафар ўқувчи, 70% дан пац даражада 6 нафар ўқувчи билим олишга эришди. Ўртача 68%, таълим самарадорлиги 64% ни ташкил этди.

2 а-синфда жами ўқувчилар сони 24 та бўлиб, шулардан 90-99% ни 4 нафар ўқувчи, 80-89% ни 6 нафар ўқувчи, 70-79% ни 8 нафар ўқувчи, 70% дан пац даражада 6 нафар ўқувчи билим олишга эришди, яъни ўртача 72%, таълим самарадорлиги 75% ни ташкил этди.

Умумий ҳисоблаганда, жами ўқувчилар сони 94 та бўлиб, 90-99% ни жами 21 нафар ўқувчи, 80-89% ни 19 нафар ўқувчи, 70-79% ни 31 нафар ўқувчи, 70% дан паст даражани эса 23 нафар ўқувчи ташкил этган. Умумий ўртача 76%, таълим самарадорлиги эса 76% ни ташкил этган.

Тажриба гуруҳларининг таълим самарадорлигининг ДТС талаблари асосида билим, кўникма ва малакалари мониторинги натижалари қуйидаги кўрсаткичларга асосан унинг ўсиш динамикаси 3.4 графикда берилган.

Юқоридаги 3.4. графикдан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳида меҳнат дарсларини самарадорлиги юқори даражада амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичида таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги тасдиқланди.

3.2.-жадвалдан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи 98% ни, 3.3.-жадвалда назорат гуруҳида 76% ни ташкил этди.

Тажриба-синов ишлари натижаларига кўра баркамол ўқувчи шахсини тарбиялашда қуйидаги фикрларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Амалий фаолиятни замон талаблари асосида, фан-техника ва технология тараққиёти даражасида ҳамда бозор иқтисодиёт ҳисобга олган ҳолда олиб бориш давр талаби эканлиги.

Бошланғич синф дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишга йўналтирилган тажриба-синов ишлари махсус режа асосида олиб борилди. Мазкур режа таркибидан бошланғич таълим дарслари ўқитувчиларида тарбиявий фаолият жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этиш борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга имкон берувчи тадбирларнинг қрин олишига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур бобда баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидаги тавсияларни беришимиз мумкин:

ТАВСИЯЛАР

1. «Табиатшунослик» ўқув фанлари мазмунида табиий шароитларда кузатишларни йўлга қўйиш, дарсларни ноъананавий шаклда ташкил этиш, ўқувчиларда кичик амалий тажрибаларни олиб бориш қўникмаларини шакллантиришга имкон берувчи топшириқларнинг ўз аксини топишини таъминлаш.

2. Бошланғич синф ўқувчиларида табиатни билишга бўлган қизиқишни шакллантиришда фанлараро ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликнинг юзага келишига алоҳида эътибор қаратиш.

3. Бошланғич синф ўқувчиларида табиатни билишга бўлган қизиқишни шакллантиришга оид интерафол методлардан фойдаланиш оид методик тавсияларни чоп этилишига эришиш.

4. Педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида бошланғич синф ўқитувчиларининг “Атофимиздаги олам” предметини замонавий талаблар асосида ўқитиш борасидаги малакаларини шакллантириш.

Учинчи боб бўйича хулоса

Диссертациянинг ушбу бобида ёритилган фикр мулоҳазалар улар борасида муайян хулосаларга келишимизга имкон беради. Хусусан:

1.Тажриба синов ишларини олиб боришда амалий фаолиятни тартибга солишга имкон берувчи дастурга эга бўлиш, босқичма-босқич маълум вазифаларни ижобий ҳал этиб бориш, уларнинг ягона мақсадни амалга оширишга йўналтирилиши бошланғич синф ўқувчиларида табиатни билишга бўлган қизиқишни шакллантиришда муваффақиятларга эришишни кафолатлайди. Табиатшунослик билимларини муайян тизимга солиш, уларни таснифлаш асосида ўқувчиларга етказиб бериш ҳолатини илгари сурувчи методика бошланғич синф ўқувчиларида табиатни билишга бўлган қизиқишни шакллантиришга йўналтирилган тажриба синов ишларининг асосини белгилаб берди.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Бошланғич синф Табиатшунослик ” фани дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммосини тадқиқ этишга йиналтирилган тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги муаммонинг назарий-амалий асосларини ўрганиш жараёнида аён бўлди 3-4 синф Табиатшунослик ” фани дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш тадқиқот доирасида амалга ошириладиган тажриба-синов ишларининг кейинги босқичларида олиб борилган фаолиятнинг моҳиятини ойдинлаштириш имконини берди.

Бошланғич синф Табиатшунослик ” фани дарсларини ташкил этишдан кўзланган мақсадга оз жисмоний куч сарфлаб, кўпроқ самарага эришиш учун имконият яратди.

Бошланғич синф Табиатшунослик ” фани дарсларида таълим соҳасидаги муваффақиятларга эришишнинг асосий омили ушбу ықув муассасалари ўқитувчиларида 1-2 синф дарсларига нисбатан технологик ёндашувни қарор топтиришдан иборатдир.

Тажриба-синов ишларининг натижаларини умумлаштириш, таҳлил этиш ва якуний хулосалар чиқариш жараёнида респондентларнинг педагогик технологиялар назариясига оид билимлари, янги методларни таълим бериш фаолиятига татбиқ этиш хусусидаги амалий кўникма ва малакалари шаклланганлиги маълум бўлди.

Бошланғич синф Табиатшунослик ” фани дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида кенг тарғиб этиш.

Бошланғич синф Табиатшунослик ” фани дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг яхлит тизимини яратиш.

Бошланғич синф Табиатшунослик” фани дарслари ўқитувчиларининг педагогик технологиялар назарияси оид манбалар билан

куроллантириш. Бошланғич синф дарсларида фойдаланадиган манбалар мазмунига янги педагогик технологиялар элементларини сингдириш.

Бошланғич синф дарслари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янги педагогик технологияларнинг назарий асосларига оид ўқув методик адабиётлар билан таъминлаш.

Бошланғич синф дарслари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган факультетларнинг бошланғич синф ўқувчиларини янги педагогик технологиялар билан узлуксиз куроллантириб боришга эришиш лозим.

Ўқувчиларнинг ноанъанавий дарсларда мустақил фикрлашга устувор эътибор қаратиш ўқувчининг ўзини ўзи тарбиялашига, ўз шахсида эзгу маънавий сифатларни шакллантиришига омил бўлади. Уни тарбияламайдилар, балки у ўқитувчилар, катталар ва дарсликлар кўмагида ўзини ўзи тарбиялайди.

Ноанъанавий дарсларда мустақил фикрлашга ўргатиш, умуман, педагогика, хусусан, адабий таълимнинг бош мақсади бўлмиш маънавий баркамол инсонни тарбиялашга асос бўлади. Ўз фикри, ўз қарашига эга бўлиш комил шахсликнинг муқим белгиси қисобланади. Олиб борилган тадқиқот ишлари, ўтказилган эксперимент натижаларига асосланилган ҳолда тадқиқот мавзуси юзасидан қуйидаги тавсиялар берилади:

Дарсларда ўқувчи шахсини бош қадриятга айлантириш, дарсларда маънавият шакллантириш устуворлигини таъминлаш, билим олиш ва тарбияланиш учун боланинг ўзини ҳаракатга ундаш, унга кашф этиш лаззатини тўйдириш, дарсларда педагогик ҳамкорлик ҳукмронлик қилишига эришиш сингари тамойиллар устуворлигига эришиш.

Дарсда ўқувчиларни ноанъанавий дарсларда мустақил фикрлашга ўргатишда таълимнинг мантиқий ва интерфаол методларидан фойдаланилган ҳолда методик қўлланмалар яратиш.

Ноанъанавий дарсларни ташкил қилиш бўйича илмий-амалий анжуманлар ва семинар тренигларни ташкил қилиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида”
Т.: Ўзбекистон. 2011. 142-бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992 й.
46-б.
3. Каримов И.А.Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.
Т.: Шарқ нашриёт матбаа концерни, 1997. 48 б.
4. Ж.Ғ.Йўлдошев. “Таълимимиз истиқлол йўлида”. Т.: Шарқ. 1996.
- 5.Ж.Ғ.Йўлдошев. С.А.Усмонов “Педагогик технология асослари”.Т.:
Ўқитувчи, 2004.
6. Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий
асослари. Т.: Фан, 2006.
7. Н.Н.Азизхўжаева. Педагогик технологиялар ва педагогик маохрат. Т.:
Ўзувчи 2006.
8. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. Т.: Фан. 1991. 38 б.
9. Баратов Ш. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. Т.: Уқитувчи. 1995.52 б.
10. Григорьянц А.Г. Атрофимиздаги олам 1-синф. Дарслик. Т.: Ўқитувчи,
2000. 80 б.
11. Григорьянц А.Г. Атрофимиздаги олам 2-синф. қўлл. Т.: Ўқитувчи, 2000.
112 б.
12. Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиберганов. Педагогика. Т.: Ўқитувчи,
2001.
- 13.Р.Мавлонова, Н.Х.Рахмонулова. Бошланғич таълимда инновация.
Методик қўлланма, ТДПУ, 2007.
14. Бошланғич таълим Концепцияси. Т.: ЎзПФТИ, 1994. 15 б.
15. Зиёмуҳамедов Б. Экология ва маънавият. Т.: Чинор НК. 1997. 102 б.
16. Зиёмуҳамедов Б. Экология: тарих, назария ва ҳозирги замон. Т.: Фан.
1990. 57 б.
- 17.Т. Ғаффорова. “Бошланғич таълимда замонавий педагогик
технологиялар” Т.: ТАФАКУР. 2011. 154 б

18. Авазов Ш. Мактабда экологик тарбияни амалга ошириш йўллари. Т.: Республика ўқув методик маркази. 1990. 28 б.
19. Баҳромов. Х., Ўқувчиларга экологик таълим тарбия бериш. Т.: Халқ таълими. 1990. № 2. 6 7 б.

Интернет сайтлари.

www.ziyo.net.uz

www.pedagog.uz